In this article, the author reflected on the current importance of creativity, and at the same time, he pointed out the conceptual inconsistency of creativity in the research of scientists, post-Soviet psychology and foreign psychology. In addition, the author researched the opinions of philosophers and scientists regarding the connection of creativity with humanistic features. Humanistic psychology, J. Guilford's theory, Torrance's studies, Psychoanalytic approach, M. Rhodes' theory: explained the scientific nature of the theories that contribute to the development of creativity and the characteristics of creativity.

Key words: convergent thinking, divergent thinking, humanistic psychology, psychoanalytical approach, "neologism", creative activity, collective unconscious, "ideal self", "real self", IQ, intellectual limit, heredity.

KREATIVLIK XORIJIY PSIXOLOGIYADA ILMIY MUAMMO SIFATIDA**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada muallif kreativlikning bugungi kundagi dolzarb ahamiyati haqida fikr yuritgan, shu bilan birga kreativlikning tub mohiyati, olimlar tadqiqoti, postsovet psixologiyasi va xorijiy psixologiyada kreativlik borasidagi konseptual nomuvofiqlikni keltirib o'tgan. Bundan tashqari muallif kreativlikning paydo bo'lishi faylasuf olimlarning kreativlikni insonparvarlik xususiyati bilan bog'likligi borasidagi fikrlarni tadqiq qilgan. Gumanistik psixologiya, J.Gilford nazaryasi, Torrance tadqiqotlari, Psixoanalitik yondashuv, M.Rodsning nazaryasi: kreativlik xususiyatlarini va kreativlik rivojlanishiga hissa qo'shuvchi nazaryalarining ilmiy mohiyatini yoritib bergan.

Kalit so'zlar: konvergent tafakkur, divergent tafakkur, gumanistik psixologiya, psixoanalitik yondashuv, "neologizm", ijodiy faoliyat, jamoaviy ongsizlik, "ideal men", "haqiqiy men", IQ, intellektual chegara, irsiyat.

Kirish. Kreativlik, kreativlikni rivojlantirish hozirgi zamonaviy dunyomizda ilmiy psixologiyaning muammolaridan biri bo'lib qolmoqda. Kreativ yoshlarni tarbiyalash, yoshlarning kreativlik xususiyatlarini rivojlantirish borasida ham samarali ishlar yo'lga qo'yilmoqda. Xususan prizidentimiz Shavkat Mirziyoyev Miromonovich ham o'z nutqlarida hozirgi zamonaviylashib borayotgan davr talabidagi kreativ yoshlarni tarbiyalash masalasini alohida takidlab o'tadi. Inson butun insoniyat o'zining kreativligi, ijodkorligi bilan zamonaviy asrimizda yaratilayotgan texnika, texnologiyadan ajralib turadi. Chunki bu texnika texnologiya inson mehnatining maxsuli hisoblanadi. Inson doimo individual va qilayotgan ishlari harakatlari yakdil, ya'ni buni boshqa inson xuddi shu tarzda takrorlay olmaydi, xar bir shaxs kreativlik xususiyatiga tayangan xolda yondashadi. Misol tariqasida rassomlar, dizaynerlar, shoirlar, tergovchilar, olimlar, o'qituvchilarni keltirishimiz mumkin, chunki har bir kasb egasining individual yondashuvi ularning kreativlik xususiyatidan kelib chiqadi. Kreativlik borasida so'z borar ekan, kreativlikning psixologik xususiyatiga to'xtab o'tish o'rinlidir. Psixologiyada kreativlik borasida ishlar olib borgan olimlarimiz P. Anoxin, B. Lomov, K. Albuhanova, V. Kuzmina, V. Shadrikov, S. Rubinshtein, G. Kostyuk, A. Brushlinskiy, L. Vygotskiy, L. Antsyferova, D. Feldshteyn, A. Dusavitskiy, A. Leontiev, B. Lomov, V. Zinchenko, A. Brushlinskiyning ilmiy tadqiqotlarini ko'rishimiz mumkin.

Xorijiy psixologiyada kreativlik borasida ko'plab tadqiqotlar olib borilgan. Kreativlik nima va u qanday ma'no angalatadi kabi savollarni o'rtaga qo'yishgan. Ilmiy manbalarni taxlil qilish shunki ko'rsatadiki, kreativlik, o'rganish, insonning tug'ma moyilligi va ularning ijobiy ta'siri uch ming yillik tarixga ega. Kreativlik borasidagi tadqiqotlarga qadimgi mutafakkirlar (Ksenofan, Sokrat, Platon, Aristotel, Avgustin) tomonidan asos solingan bo'lib ular dunyoni tushunishga, badiiy intuitsiyani amalga oshirishga intiladi va insonning ijodiy qobiliyatini, faoliyatini rivojlantirishga yo'naltiradi. Inson hayotining turli sohalarida ishtirok etadigan kreativlik fenomenologiyasi turli asrlarda turlicha nomlar bilan ataldi.

Kreativlik__Ijodkorlik termini so'ngi o'n yillikda paydo bo'lgan ilmiy atamadir. Kreativlik atamasining mazmun-mohiyatidan shuni ta'kidlash mumkinki, kreativlik u yoki bu tarzda, qadimgi davrlarda ijodkorlik insonning uzoq muddatli samarali, insonparvarlik, ijobiy, hissiy rag'batlantiruvchi faoliyat masalalarini o'zi va jamiyat manfaati uchun hal qilish bilan bog'liq hisoblangan. Ya'ni ijodkorlik tushunchasini insonparvarlik bilan bog'lashgan. Bunga dalil sifatida iqtiboslar ham keltirishgan. 1) "Donolik kuchdan ancha ustundir" (Ksenofan); 2) "Xalqlar! Avvalo qonunlardan ko'ra yaxshi axloqqa ega bo'lishga harakat qiling: axloq - bu birinchi qonunlar" (Pifagor); 3) "Fozil va o'z-o'zini o'ylagan odamning bir kuni, fosiq va buzuk odamning yuz yillik hayotidan afzaldir".¹

Dunyoda tez o'sib borayotgan kuchli texnokratik yuksalishni olib kelgan o'tgan ming yillikning boshida kreativlik muammosi yanada yorqinroq ta'kidlandi. O'sha yillarda ijodkorlikni o'rganish ijodkorlik va iste'dod masalalarini o'rganish dolzarb masalalardan biri edi. Bu masalalarga birinchi bo'lib chet el psixologlari yondashdilar. Shu sababli xorijiy psixologiyada yarim asrdan ko'proq vaqt davomida yagona kontseptual nom - ijodkorlik mavjud bo'lib, ijodkorlik o'sha davrdagi sovet psixologiyasidan rus tiliga "ijodkorlik" yoki "ijodiy faoliyat" atamasi sifatida tarjima qilingan. Ushbu terminlardan bugungi kunda ham foydalaniladi va "neologizm deb bilishadi". Buning sababi, birinchi navbatda, inson ongining o'zgarishiga olib keladigan global makonda o'zgargan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar va shunga mos ravishda fikr va xulosalarini ifodalashda lingvistik va stilistik vositalar ham o'zgarganligidir. Aniq haqiqat shuki, xorijiy tadqiqotchilar va postsovet olimlarining psixologiyasida kreativlik terminini tushunish bo'yicha yakdilligi bilan solishtirilganda, ijodkorlik atamasining konseptual va terminologik nuqtai nazaridan nomuvofiqlikga duch kelishadi. Natijada kreativlikni taxlil qilishda noaniq terminlar qo'llanila boshlanadi va insonparvarlik psixologiyasida ijodkorlik o'zini-o'zi namoyon qilish, o'zini o'zi anglash, o'zini o'zi rivojlantirish tushunchalari kabi tallqin qilina boshlaydi.

Xorijiy psixologiyada ijod deganda nima tushuniladi va bu hodisani o'rganish xronologiyasi qanday? Ma'lumki, ijodkorlik muammosini ishlab chiqishda nisbatan ko'proq maqsadli nazariy va empirik tadqiqotlar XX asrning 50-60-yillarida boshlangan, garchi bu mavzu (aniqrog'i, tasavvur, sezgi, ijodiy fikrlash, shuningdek, iqtidor/dahoning irsiyatga bog'liqligi, shu jumladan rivojlanish usullari) muammolari ham tegishli e'tibordan chetda qolmagan. Ijodkorlik bo'yicha to'laqonli ilmiy tadqiqotlarning ustuvorligi bir vaqtning o'zida bir nechta olimlarga, ya'ni F.Barron, J.Gilford, E.Torrance, S.Mednik, M.Volax va N.Koganga tegishli. Albatta, ularning har biri o'rganilayotgan

¹ Кречетников К.Г. Проектирование креативной образовательной среды на основе информационных технологий в вузе / К.Г. Кречетников. – М.: Госкоорцентр, 2002. – 296 с.

hodisani tahlil qilish uchun o'ziga xos asoslarni ishlab chiqdi va o'zining nazariy asoslarini berdi. M. Rods kreativlik borasida tadqiqotlar olib borgan.²

M. Rods ijodkorlikning to'rt xususiyatini keltirib o'tadi:

- ❖ ijodkorning shaxsiyatini tahlil qilish;
- ❖ ijodkor shaxsning o'zini topish jarayonini, u bajaradigan harakatlarning tabiati va ketma-ketligini o'rganish;
- ❖ ijodiy harakat natijasida yaratilgan yakuniy mahsulotni o'rganish,
- ❖ shaxs rivojlanayotgan muhitni baholash.

Chet el psixoanalitiklari ham bilvosita kreativlik muammosiga to'xtalib o'tadilar. Ular ijodkorlikning namoyon bo'lishi turli yo'llar bilan sodir bo'ladi, deb hisoblashgan:

- ❖ sublimatsiya orqali - ibtidoiy tabaqalanmagan instinktlar
- ❖ ichki kuchning madaniy va ma'naviy shakllanishlar tekisligiga harakati va uning ma'naviy-axloqiy energiyaga aylanishi orqali
- ❖ energiyaning shaxs sifatida o'zini o'zi yaratish sohasiga aylanishi natijasida
- ❖ kodlangan arxetipaldan foydalanish - turli millatlarda mavjud - "jamoaviy ongsizlik" ramzi san'at yoki dinda shaxsning o'zini namoyon qilishi.

Umumman olganda o'sha davrda kreativlik insonning favqulodda qobiliyatlarini anglatardi va shuning uchun u ijodkorlik (ya'ni ijod yoki ijod bilan), yoki intellektual qobiliyat yoki hatto daho bilan ajralib turgan.

Xorijiy kognitiv psixologiyada ijodkorlik IQ koeffitsientlarida baholanadigan intellektning xususiyati/qobiliyati, intellektual qobiliyat yoki inson psixikasining kognitiv-intellektual xususiyati sifatida ham tushunilgan.³

Yigirmanchi asrning o'rtalarida J. Gilford ijodkorlik faoliyatining zaruriy sharti bo'lgan intellektning tarkibiy qismlarini tahlil qilar ekan, uni shaxsning ijodiy qobiliyati va psixologik xususiyatlari deb tushungan ijod tabiatini ko'rib chiqishning o'ziga xos konsepsiyasini ilgari surgan. Ijodkorlik, Aql-idrok tuzilishida olim ikki turning dominant ta'sirini o'rgangan. Ular: fikrlash - **konvergent** (tor yo'naltirilgan, muammoni hal qilishning bitta variantiga olib keladi) yoki **divergent** (ko'p yo'nalishli, bir nechta javob variantlariga imkon beradi, bu kutilmagan innovatsion natijalarga olib kelishi mumkin). Agar divergent aqliy operatsiyalar qobiliyati mavjud bo'lsa, J. Gilfordning fikriga ko'ra, odam ijodkorlikni ochib bergan deb tan olinadi. Shu bilan birga, assimilyatsiya muvaffaqiyati ma'lumotlar aql va ilgari olingan bilimlar miqdoriga bog'liq hisoblangan.⁴

Ijodkorlik darajasi intellektual harakat parametrlariga ko'ra aniqlangan, ya'ni ravonlik, moslashuvchanlik, o'ziga xoslik va muammoni hal qilish uchun g'oyalarni ishlab chiqish hisobga

² Иванченко Андреянна Алексеевна; психология креативности личности: теоретико-методологический и прикладной аспекты; Киев – 2017; С-35.

³ Швалб Ю.М. К определению экпсихологических систем / Ю.М. Швалб // Актуальні проблеми психології : зб. наук. праць Інституту психології імені Г.С. Костюка АПН України. – К., 2003. – Т. 7. – Вип. 1. – Ч. I. – С. 426–433.

⁴ Amabile T.M. A model of creativity and innovation in organizations / T.M. Amabile // Research in Organizational Behaviour. – 1988. – V. 10. – P. 123–167.

olingan. Keyinchalik, ushbu tahlil usuli E. Torrance'ning ilmiy tadqiqotlarida, asarlarida yanada rivojlantirildi, u yuqori IQ bilan "intellektual chegara" paydo bo'ladi va keyin aql darajasi va ijodkorlikni aniqlash o'rtasidagi bog'liqlik yo'q degan xulosaga keldi. Bundan tashqari Torrance aqliy faoliyat samaradorligi va rivojlanish o'rtasidagi, irsiyat omillari, insonning xarakteristik xususiyatlari, shuningdek, uning ichki psixo-emotsional holatida aqlning o'rni bog'liqligi xususida o'z fikrini ilgari suradi. Tabiiyki, bu omillar ijodkorning ijodi va faoliyati darajasiga yaxshi ta'sir qilishi mumkinligini tadqiqotlarida keltirib o'tadi.

Keyinchalik (70-80-yillar va XX asrning keyingi yillari tadqiqotlarida) ijod muammosining rivojlanishi xuddi shu yo'nalishda amalga oshirildi. Tadqiqot ob'ekti sifatida aql va ijodning kesishishi davom etdi va ijodkorlik hali ham ijodiy harakat tushunchasi nuqtai nazaridan ko'rib chiqildi. Umuman olganda, F.Barron (1988), R.Devidson (1988), D.Feldman (1988), P.Langli va R.Jons (1988), T.Lyubart (1990, 1991) 1996, 2002), R. Sternberg (1988, 1991, 1996), E. Torrance (1980, 1981, 1993) va ko'p boshqa xorijiy taniqli psixologlar ijod va aql borasida ko'plab tadqiqotlar olib bordi. Tadqiqot natijalarining umumiyliqi quydagicha:

Ijodning muvaffaqiyati va rivojlanishiga quyidagi omillar ta'sir etishi aniqlangan:

- ❖ ijodkorlik tasavvur, timsol va metaforalash jarayonining mavjudligi bilan belgilanadi;
- ❖ ijodkorlikning rivojlanishi avvaldan olingan bilimlar miqdori va insonning hissiy holati bilan oldindan belgilanadi;
- ❖ ijodkorlik o'zgaruvchan aks ettirish va diqqatni jamlash qobiliyatiga va voqelikni idrok etish jarayonidagi harakatlarga bog'liq;
- ❖ ijodkorlik ongsiz komponentning xotirada faollashishi bilan bog'liq bo'lib, evristik idrokni targ'ib qiladi;
- ❖ ijodkorlik tushunchaning shunday paydo bo'lishiga va 4 ta ketma-ket bosqichga bo'lingan fikrlash jarayonining lateral turiga o'tishga bog'liq - tayyorgarlik, inkubatsiya, insight (yoki insight) va rivojlanish;
- ❖ ijodkorlik shaxsning ijod qilish qobiliyati bilan belgilanadi va katta semantik kenglikka ega bo'lmagan stereotipli assotsiatsiyalardir;
- ❖ ijodkorlik uni katalizlovchi boshqa modulyatorlar bilan birgalikda muhitga bog'liq;
- ❖ ijodkorlikni tashqaridan boshlash va "investitsiyalar nazariyasi"da belgilanganidek, hayotiy munosabatni shakllantirishi mumkin.

Ijod va ijodkorlik ilmiy muammo sifatida gumanistik psixologiyada ham o'rganilgan.

A. Maslou, T. Amabil, K. Rojers, R. Mey, P. Vayntsveyg, T. Lubart, G. Allport tadqiqotlari va boshqalar kreativlikni o'z-o'zini bilish, o'z-o'zini rivojlantirish, o'zini-o'zi anglash, shaxsning o'zini o'zi anglashi, uning o'zini ochib berish masalalari bilan bog'liq deb hisoblashgan. Kreativlikning shaxsiy o'zini o'zi o'stirish jihatlarini kognitiv, motivatsion, hissiy va xulq-atvor darajasida tadqiq qilish uchun asos bo'lib xizmat qilgan ichki zaxiralar va shaxs shaxsiyatining namoyon bo'lishi, xorijiy olimlar tomonidan tadqiq qilingan. Va tadqiqotda quydagilarni aniqlashadi.⁵

- ❖ ijodiy shaxs ichki tayyorgarlik bilan tavsiflanadi va bolaning sezgi, hayrat, tasavvur, haqiqatni uyg'unlashtirish qobiliyatiga erkinlik berib, ishonish kerak bo'ladi;
- ❖ o'z-o'zini anglash jarayonida ijodiy shaxs jasorat, kuch, diqqat va o'ziga ishonch bilan ajralib turadi;

⁵ Иванченко Андреевна Алексеевна; психология креативности личности: теоретико-методологический и прикладной аспекты; Киев – 2017; С-40.

- ❖ o'zini yangilash ijodiy potentsial "Ideal Men" niyatlarini "Haqiqiy Men"ni amalga oshirish vositalari bilan, shuningdek, erishilgan ko'zlangan maqsadlar natijalari bilan adekvat bog'lash orqali amalga oshiriladi;
- ❖ o'z-o'zini anglash bosqichiga kirganida, ijodiy shaxs o'zining o'ziga xosligini namoyon qiladi va fantaziya, uning individual imkoniyatlari va ilgari u tomonidan shaxsiy o'sishga bo'lgan ehtiyoj-motivatsion munosabat shaklida shakllangan dasturlashtirilgan maqsadlar erkin amalga oshiriladi;
- ❖ insonning ijodkorlikka kirishi uning tanasi va ongining, his-tuyg'ulari va ruhining yaxlit holatini tavsiflaydi, nafaqat shaxsiy faoliyat, balki shaxslararo muloqotda ham aks etadi;
- ❖ ijodiy jarayon hayotiy tajribani boyitadi, madaniy qadriyatlarni egallashga va inson hayotining barcha sohalarida samarali shaxslararo muloqotga yordam beradi.⁶

Tadqiqotlardan xulosa qilib aytishimiz mumkinki, chet el gumanistik psixologiyasida xulq-atvor darajasida namoyon bo'lgan ijodkorlik bilvosita psixofiziologik jihatdan sog'lom va o'zini namoyon qiladigan shaxsning holatini anglatadi. Ta'kidlanishicha, o'zini shaxs sifatida qabul qilish, shuningdek, o'zini-o'zi anglash, ichki erkinlik va individual o'zini o'zi ifoda etish imkoniyatiga yo'naltirilganlik, aslida insonning progressiv tashkil etilgan faoliyatini belgilaydi. Bundan tashqari, ijodkorlikning namoyon bo'lishiga shaxsiy motivatsiya, namunaning mavjudligi, axborotga boy ijtimoiy muhitning mavjudligi va ijobiy ijtimoiy mustahkamlash yordam beradi. Bundan xulosa qilishimiz mumkinki, gumanistik psixologlar tushunchasida ijodkorlik hodisasi ma'lum bir psixoterapevtik xususiyatga ega, chunki u odamga o'z-o'zidan erkinlik, uning ichki kuchini amalga oshirishning munosib shaklini, psixologik qoniqish va hissiy qulaylikni ta'minlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Amabile T.M. A model of creativity and innovation in organizations / T.M. Amabile // *Research in Organizational Behaviour*. – 1988. – V. 10. – P. 123–167.
2. Кречетников К.Г. Проектирование креативной образовательной среды на основе информационных технологий в вузе / К.Г. Кречетников. – М.: Госкоорцентр, 2002. – 296 с.
3. Швалб Ю.М. К определению экопсихологических систем / Ю.М. Швалб // *Актуальні проблеми психології : зб. наук. праць Інституту психології імені Г.С. Костюка АПН України*. – К., 2003. – Т. 7. – Вип. 1. – Ч. I. – С. 426–433.
4. Иванченко Андреевна Алексеевна; психология креативности личности: теоретико-методологический и прикладной аспекты; Киев – 2017; С-240.

⁶ Иванченко Андреевна Алексеевна; психология креативности личности: теоретико-методологический и прикладной аспекты; Киев – 2017; С-45.

MUTOLAA MADANIYATI TARIXIY QADRYAT**O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institute madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish hamda boshqarish ta'lim yo'nalishi 2-bosqich talabasi
Ikromova Madina**

Annotatsiya. Bu maqolada kitob, kitobxonlik borasida xalqimiz shuurida shakllangan dunyoqarash, bu borada to'plangan boy tajriba haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar. Kitob, Yunesko, Kitob xartiyasi, Kutubxonachilar kuni, "Rahbari hisob", Avloniy, "Turkiy adabiyot hazinasi"

Аннотация. В данной статье рассказывается о мировоззрении, сложившемся в сознании нашего народа относительно книг и чтения, и богатом опыте, накопленном в этом отношении.

Ключевые слова. Книга, ЮНЕСКО, Книжная хартия, День библиотекаря, «Счет лидера», Авлони, «Сокровище турецкой литературы»

Annotation. This article talks about the worldview that has developed in the minds of our people regarding books and reading, and the rich experience accumulated in this regard.

Keywords. *Book, UNESCO, Book Charter, Librarian's Day, "Leader's Account", Avloni, "Treasure of Turkish Literature"*

"Kitob sahroda misoli suv, hayot yo'llarida tayanch, yolg'izlik damlarida yo'ldosh, baxtiyor daqiqalarda rahbar, qayg'uli damlarda madadkor, odamlar orasida zebuziynatdir"^[7]

Turli davrlarda tarixiy adabiyotlarda "Turon", "Turkiston", "Movarounnahr" nomlari bilan atalib kelgan zaminimiz dunyo ilm-fani va madaniyati rivojida alohida o'ringa egadir. Shubhasiz, buning zamirida ajdodlarimizning naqadar ilmga shuning pirovardida esa kitobxonlikka bo'lgan muhabbati nechog'lik kuchli bo'lganini anglashimiz mumkin.

Olimlar, ziyolilar, mamlakat va millat kelajagi uchun chuqur qayg'uradigan insonlarni yaqin-yaqingacha bir narsa qiynab keladi:

Nega yoshlarimiz, umuman, fuqarolarimiz o'rtasida kitobxonlik madaniyati pasayib ketdi? Nima uchun insonni yerdan ko'kka ko'taradigan, bizni barkamollik sari yetaklaydigan, insonlar qalbiga yorug'lik va iliqlik kiritadigan, oq va qorani, yaxshilik va yomonlik, vayronkorlik va buyodykorlikning farqini ongli ravishda anglashga yordam beradigan noyob madaniyat ya'ni kitobxonlik madaniyatining saviyasi tushib ketmoqda?

Bugungi kunda bu savollar barchamizni qiynamoqda!

Shu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat.M.Mirziyoyevning "Ayni paytda axborot-kommunikatsiya sohasidagi oxirgi yutuqlarni o'zlashtirish bilan birga, yoshlarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini oshirishga, ularni kitob bilan do'st bo'lishga, aholining kitobxonlik saviyasini yanada oshirishga alohida e'tibor qaratish lozim bo'ladi. Buning uchun, avvalo, milliy adabiyotimiz va jahon adabiyotining eng sara namunalarini ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirish va ularni keng targ'ib qilishga alohida e'tibor berishimiz muhim ahamiyat kasb etadi"^[8] degan

⁷ Hadisdan

⁸ Sh.M.Mirziyoyev nutqidan

fikrlari bu muammoning xalqimiz ma'naviy olamiga ta'siri qay darajada ekanligini belgilab beradi desak aslo mubolag'a bo'lmaydi.

Shu fikrlar asnosida 2017-yil 12-yanvar kuni Prezidentimizning "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish" farmoyishi e'lon qilindi. Ushbu farmoyish mamlakatimizda kitobxonlik madaniyatini yangi pog'onaga ko'tardi. Qolaversa, ushbu farmoyishda 1971-yil YUNESKO tomonidan qabul qilingan "Kitob xartiyasi"da "Jamiyat barcha kishilarga kitoblardan zavqlanishni ta'minlashga burchlidir" [9] deya aytilgan fikrlarga sodiq ekanligining isbotidir. Ta'kidlash o'rinliki, bugungi kunda matbuot, noshirlik va axborot sohasida tegishli huquqiy asos yaratilgan bo'lib, 10 dan ortiq qonun va 30 dan ortiq qonunosti hujjatlari qabul qilingan. 1677 ta matbaa korxonalari, 118 ta nashriyot davlat ro'yxatiga olingan, zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlangan Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi, 14 ta hududiy birlik axborot-kutubxona markazi, tuman va shahar markazlaridagi ta'lim muassasalarida 200 ga yaqin axborot-resurs markazlari tomonidan aholiga axborot-kutubxona xizmatlari ko'rsatilmoqda. Hamda "Kitob olami", "Sharq ziyokori" va "O'z davkitobsavdota'minot" majmualari tomonidan kitob savdosi xizmati yo'lga qo'yilgan.

Shunindek Yozuvchilar uyushmasi qoshida "Ijod" jamoat fondi tomonidan yozuvchi va shoirlar, ayniqsa, yosh ijodkorlarning birinchi kitoblari ko'p ming nusxada nashr etilmoqda. Farmoyishda "Yilning eng yaxshi kitobxon", "Eng yaxshi kitobxon oila", "Yilning eng yaxshi bolalar kitobi", "Yilning eng yaxshi audio kitobi", "Yilning eng yaxshi elektron kitobi" kabi tanlovlar ham o'tkazish belgilangan.

Yana bir e'tiborga molik jihatga biz kitobxonlikka xalqimizni chorlayotgan ekanmiz, ushbu yo'lda mehnat qiluvchi xodimlarni ham aslo unutmasligimiz kerak. Respublikamizda 21-may "Kutubxonachilar kuni" deb belgilanib, bunda kutubxonachilarni ko'p yillik halol mehnati va axborot-kutubxona sohasini rivojlantirishga qo'shgan hissasi uchun davlat mukofotlari bilan taqdirlash va rag'batlantirish belgilandi.

E'tiboringizni shu o'rinda yana bir ma'lumotga qaratmoqchiman. 2010-2016-yillar mobaynida mamlakatimiz bo'ylab jami 50 ming dona kitob yetkazib berilgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 2017-2019-yilning shu davrigacha bo'lgan holatda 1,1mln ga yetdi. Bu ham kitobxonlikka bo'lgan e'tiborning bugungi kunda qay pog'onaga chiqqanini belgilaydi.

Jumladan farmoyishda, kitob mahsulotlarini nashr etish, tarqatish, kitob mutolaasi, kitobxonlik madaniyatining bugungi kundagi holati, mavjud kamchilik, xatolar aniq ko'rsatilgan. Ayniqsa, badiiy, ma'rifiy, ilmiy-ommabop, tarbiyaviy, yoshlarning intellektual salohiyatini oshirishga qaratilgan kitoblar nashr qilishni kuchaytirishga alohida urg'u berilgan.

Davlat rahbarining kitob, kitobxonlik madaniyatini yaxshilash to'g'risidagi kuyunib gapirayotganliklarining chuqur falsafiy ma'nosi bor albatta.

Birinchiidan, yuqorida aytilgani kabi, kitob insonni yerdan ko'kka ko'taruvchi, uning ma'naviy quvvatini oshiruvchi buyuk kuch hisoblanadi.

Ikkinchiidan, kitob insoniyatning tarixiy xotirasi, barchamizni o'z ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy salohiyatimizni mustahkamlovchi, kelajakni yorqin ko'rsatib borishga qodir mash'ala demakdir.

Kitobxonlik, kitobxonlik madaniyati nima o'zi? Bu shaxs sifatida kasbiy hamda badiiy-ma'naviy barkamolligini oshirish uchun kitob tanlay bilish va o'zi uchun zarurini o'qish, kitob

⁹ 1971-yil YUNESKO tomonidan qabul qilingan "Kitob xartiyasi"dan

ustida ishlash malakasini oshirish, uni o'z hayoti va kasbi bilan bog'lay olish, o'qigan asarini talqin qila bilish, uning badiiy olamini his eta olish, o'zi uchun notanish so'zlarni yod ola bilish, shu asnoda eng muhimi muntazam ravishda kitob mutolaa qilish ko'nikmasiga ega bo'lish demakdir.

Sharqda odob-axloq borasida buyuk asarlar yaratgan Muhammad Jabalrudiyning kitob haqidagi quyidagi fikrlarini eslash o'rindir. "Ey aziz! Kishi uchun kitobdan azizroq va yoqimliroq suhbatdosh yo'qdir. Kitob fasohat, balog'atda, latofatda tengi yo'q, munofiqlikdan holi hamrohdir. Yolg'izlikda va g'amli ayyomlarda munis ulfatdir. Unda na nifoqbor, na gina. U shunday hamdamki, so'zlarida yolg'on va xato bo'lmaydi. U shunday rafiqdirki, kishi orqasidan g'iybat qilib yurmaydi. Uning suhbatidan senga shunday fayzli foydalar yetadiki, bunday foydani odamlardan topa olmaysan. Aksincha, aksar odamlar suhbatidan kishiga zarar yetadi. Kitobdek do'st ichida barcha ilmu hilm mujassamdirki, u kishilarni o'tmishdan va kelajakdan ogoh qilib turadi. Shuning uchun ham kitob aql qal'asidir" [10]

Yuqoridagi fikrlar shundan dalolat beradiki, kitob o'qigan va uni qadrlagan inson jamiyatdagi ijtimoiy-madaniy muhitni yaxshilovchi va insonlarga ziyo, nur tarqatuvchi yetuk shaxs bo'lib yetishadi. Buning yorqin misoli uzoqa bormaylik, masalan ma'rifatparvar vatandoshimiz Is'hoqxon Ibrat o'z uyida kattagina, boy kutubxona tashkil qiladi va uni "Kutubxonai Is'hoqiya" deb ataydi. Ushbu kutubxona arxividagi kitoblar ro'yxati shuni ko'rsatadiki, kutubxonada ta'lim-tarbiya va o'qitishga oid o'zbek, fors, tojik, rus, tatar, turk tillarida ko'plab kitoblar mavjud bo'lgan. Kutubxona nafaqat maktab o'qituvchilari balki qishloq aholisini ham kitobxonlikka chorlagan. Kutubxonaning maktab o'quvchilariga atalgan qismida, Saidrasul Saidazizovning "Ustodi avval", A.Avloniyning "Birinchi muallim", "Turkiy guliston yoxud axloq", Rustambek Yusufbek hoji o'g'lining "Rahbari hisob" kabi kitoblari mavjud bo'lgan. Kutubxona doimiy ravishda yiriklashib borgan. Shuningdek kutubxonada kitob olish va uni o'qib bo'lgandan keyin qaytarib berishni qayd etib boruvchi daftarlar ham yuritilgan. Yoshlarning kitob mutolaa qilishini Ibratning shaxsan o'zi nazorat qilgan. Bunday ziyolilar yurtimizda juda ko'plab yetishib chiqqan albatta. Bunday shaxsiy kutubxonalardanoddiy xalq vakillari juda unumli foydalanishgan.

Bevosita, Prezidentimiz farmoyishidagi bir holatga e'tibor berish o'rindir. Bu hududlarda yozuvchi, shoirlar ishtirokida kitob bayrami va yarmarkalarini tashkil etish, aholi o'rtasida badiiy jihatdan yuksak va jahon mumtoz adabiyoti namunalarini targ'ib qilish, kitobxonlar, bosma va elektron kitob ishlab chiqaruvchilar, kitob sotuvchilar hamda kutubxonachi va targ'ibotchilar orasida turli tanlovlar o'tkazish belgilanganligidir. Qolaversa yana bir narsani alohida iftixor bilan aytishimiz mumkinki joriy yilning oktabr oyida Ozarbayjon poytaxti Boku shahrida o'tkazilgan "Turkiy tilli davlatlar" sammitida yurtboshimiz tomonidan tashkilotga a'zo mamlakatlar adabiyoti durdonalarini o'zida jamlagan "**Turkiy adabiyot xazinasini**" to'plamini har bir mamlakatda o'z tilida nashr etishni taklif sifatida ilgari surilishi bu kitobxonlik shubhasiz xalqlarimizni bir-biriga yanada yaqinlashtirishi, do'stlik va qardoshlik rishtalarini yanada mustahkamlanishiga zamin yaratishdagi ahamiyatini anglatadi. Tashkilotga a'zo mamlakat rahbarlari ushbu taklifni bir ovozdan mamnuniyat ila qabul qilishgani ham buning yorqin dalilidir.

Madaniyat va san'at sohasida olib qaraydigan bo'lsak, ushbu yo'nalishda zamonamiz qahramonini topish, uning siymosini yaratish muhim masalaga aylanmoqda. Bular Tashkent Cityni qurishda jasorat ko'rsatgan o'zbek qizi, fermerlikda yuksak marralarni zabt etgan Lola aya

¹⁰ Muhammad Jabalrudiyning kitobi

Murotova, jahon arenalarida vatanimiz bayrog`ini yuksaklarga ko`tarayotgan bokschilarimiz yoki chegaralarimizda tun-u kun siz va bizning tinchligimiz uchun fidoyilik ko`rsatayotgan jasur o`g`lonlarimiz bo`lishi mumkin albatta.

Taklif sifatida shuni bemalol aytishim mumkinki, ana shunday qahramonlarimizning badiiy obrazlarini yaratgan holda yuksak saviyadagi asarlarni yoshlarimizga yetkazib bera olsak, ularning ma`naviy olamini haqiqiy ilmga, nur va ziyoga to`ldirgan bo`lar edik. Qolaversa taklif sifatida yana maqolamga shuni ilova qilishim mumkinki, Sotsiologiya fanlari doktori, professor M.Bekmurodov rahbarligida tuzib chiqilgan “Ijtimoiy-madaniy faoliyatda aholi turli qatlamlari vakillarining mustaqil o`qib, o`zlashtirishi uchun tavsiya etiladigan badiiy, ilmiy-falsafiy va tarixiy-axloqiy adabiyotlar” ro`yxati. Ushbu ro`yxatda jahon va o`zbek adabiyotining nodir durdonalari jamlangan. Agarda biz yoshlar ana shu kitoblarni mutolaa qilsak yurtimizga, elimizga nafi tegadigan va eng muhimi ma`rifatparvar ajdodlarimizga munosib avlod bo`lib yetishamiz desak aslo mubolag`a bo`lmaydi.

Xulosa o`rnida mashhur yozuvchi Avgustinning “Kitob insondan hech narsani tilamaydi. U odob-axloqning koni, bilimning bulog`idir” [¹¹] degan purma`no fikrlarini keltirishni joiz deb bildim. Chunki hozirgi globallashuv jarayonida insonga eng kerakli narsalar bu albatta odob-axloq va bilimdir. Shunday ekan odob-axloq koni va bilim bulog`idan bebahra qolmang azizlar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YHATI:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyev “O`ZLIDEP VIII syezdida so`zlangan ma`ruza” 2016-yil 19-oktabr.
2. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyev: “Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ`ibot qilish bo`yicha komissiya tuzish” to`g`risidagi farmoyishi. 2017-yil 12-yanvar.
3. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyev: “Niyati ulug` xalqning ishi ham ulug`, hayoti yorug` va kelajagi farovon bo`ladi”. 3-jild. Toshkent 2019.
4. “Mashriqzamin hikmat bo`stoni” Toshkent. 1997. 39-bet. “Ibrat” Ajziy So`fizoda. Toshkent. 1999. 138-bet.
5. A.Umarov, M.Bekmurodov, “Ijtimoiy-madaniy faoliyat tarixi, nazariyasi va uslubi” Toshkent. 2016-yil. 144-bet.
6. “Shaxs kamoloti va kitobxonlik madaniyati” t.f.d. A.Mavrulov. Toshkent. 2017.

¹¹ Avgustin hikmatli so`zlari

IQTISODIY XAVFSIZLIK – TARAQQIYOT STRATEGIYASINING ASOSIY KO'RSATKICHI SIFATIDA

Kamilova Nargiza – i.f.n., dotsent
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya: Maqolada iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlashning ahamiyati, unga ta'sir etuvchi omillar va taraqqiyot strategiyasining asosiy ko'rsatkichi sifatida olinganligi ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: iqtisodiyot, iqtisodiy xavfsizlik, jahon bozori, raqobat, mehnat resurslari.

Annotatsiya: The article shows the importance of ensuring economic security, the factors affecting it, and its adoption as the main indicator of the development strategy.

Key words: economy, economic security, world market, competition, labor resources.

Kirish. Hozirgi davrdagi globallashtirish sharoitida tashqi iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlash uchun quyidagilar taqozo etiladi: birinchidan, jahon xo'jalik aloqalarida ishtirok etib, milliy ishlab chiqarish uchun qulay sharoitlar yaratish; ikkinchidan, jahonda sodir bo'layotgan iqtisodiy, siyosiy noxush hodisalar salbiy oqibatlarining milliy iqtisodiyotga ta'sirini kamaytirishga erishish.

Alohida ta'kidlash joizki, ochiq iqtisodiyot sharoitida tashqi tahdidlar ta'sirini butunlay yo'q qilish, unga barham berish mumkin emas. Iqtisodiy xavfsizlikka tahdid soluvchi tashqi omillarga quyidagilar kiradi:

- 1) eksport tarkibidagi xomashyo tovarlarining ustuvorligi, an'anaviy mashinasozlik va harbiy sanoat tovarlar bozorlarining yo'qotilishi;
- 2) mamlakatning ko'p turdagi mahsulotlar, shu jumladan, strategik ahamiyatdagi va oziq-ovqat mahsulotlari importiga qaramligi;
- 3) eksport va valyuta nazoratining yaxshi yo'lga qo'yilmaganligi, bojxona chegaralarining ochiqqligi;
- 4) raqobatga bardoshli eksportni qo'llab-quvvatlovchi moliyaviy, tashkiliy va axborot infratuzilmalarning rivojlanganligi hamda import tarkibining samarali emasligi;
- 5) eksport-import operatsiyalariga xizmat ko'rsatuvchi transport infratuzilmalarining rivoj topmaganligi;
- 6) ilmiy salohiyat oqimi;
- 7) kapital oqimi;
- 8) tashqi qarzlarning o'sishi;
- 9) tijorat va iste'mol mollari bo'yicha import qaramlikning ortishi; 10) iqtisodiyotning haddan tashqari ochiqqligi;
- 11) milliy tovarlarni ichki va tashqi bozorlardan siqib chiqarish maqsadida chet el kapitallarini jalb qilish.

Ushbu fikrlarga asoslangan holda —iqtisodiy xavfsizlik tushunchasini milliy iqtisodiyot mustaqilligi, uning barqarorligi, mustahkamligi, doimo yangilanishga va o'z-o'zidan takomillashib borishga qodirligini ta'minlovchi shart-sharoitlar va omillar yig'indisi, deb ta'riflash mumkin. Jahon amaliyoti va tajribasida mamlakatda iqtisodiy xavfsizligini ta'minlagan holda barqaror iqtisodiy o'sish to'g'risida turli ta'limotlar va uning modellari mavjud.

Mamlakatda iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlagan holda barqaror iqtisodiy o'sish to'g'risidagi barcha ta'limotlar va modellarni umumlashtirgan holda tahlil etadigan bo'lsak, bugungi kunda ayni bir barqaror iqtisodiy o'sish to'g'risidagi ta'limot yoki model iqtisodiyotda to'liq samara berib qo'llanilayotganligini jahon amaliyoti va tajribasida kuzatishning iloji yo'q. Jahonda har bir mamlakat va uning hukumati barqaror iqtisodiy o'sish yo'lida mamlakatning tabiiy qazilma

boylklari, mehnat resurslarining salohiyati, anʼanalari va mentalitetidan hamda geografik joylashuvidan kelib chiqib, umumjahon barqaror iqtisodiy oʻsish nazariyasi taʼlimoti va modellarining taklif hamda tavsiyalaridan foydalanib, mustaqil barqaror iqtisodiy rivojlanish modelini ishlab chiqmoqda. Jahon bozoridagi iqtisodiy vaziyat murakkablashdi, mamlakatlar oʻrtasidagi iqtisodiy munosabatlar tabiati tubdan oʻzgardi. Iqtisodiy raqobat nihoyatda kuchayib, tobora keskin va shafqatsiz tus olmoqda. Bunday vaziyatda mamlakatimiz iqtisodiyotining muntazam takomillashib borishini taʼminlaydigan mexanizmlarni joriy etish, barqaror iqtisodiy taraqqiyot bilan bogʻliq vazifalarni puxta belgilab olish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Zotan, milliy taraqqiyot strategiyasining ustuvor yoʻnalishlaridan biri ham shundan iborat.

Natijalar va muhokamalar. Bugungi kunda va yaqin kelajakda mamlakatimiz iqtisodiyotini yanada rivojlantirish borasida oldimizda qator strategik vazifalar turibdi. Ularning barchasi ustuvor hamiyatga egadir. Oʻtgan davr mobaynida bozor iqtisodiyoti mexanizmlarini modernizatsiya qilish, makroiqtisodiy barqarorlikni saqlash, milliy iqtisodiyotning investitsiyalarga boʻlgan talabini qondirish, bozor munosabatlari subyektlari faoliyatini erkinlashtirish masalalariga alohida eʼtibor berildi. Yangi Oʻzbekiston strategiyasi, avvalo, barqaror iqtisodiy oʻsishni taʼminlashga qaratilganligini taʼkidlash lozim.

Mamlakatimizning iqtisodiy rivojlanish surʼatlarini jahondagi eng rivojlangan mamlakatlar darajasiga yetkazish va bu sohada islohotlar samarasini yanada oshirish boʻyicha baʼzi tizimli muammolar saqlanib qolayotganini ham rad qilib boʻlmaydi. Avvalo, makroiqtisodiy barqarorlik va barqaror iqtisodiy oʻsishga erishish, inflatsiyani pasaytirish va barqarorlik narxlarini taʼminlash, buydjet taqchilligini maqbullashtirish, toʻlov va joriy balanslari maqbulligini taʼminlash, iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish va chuqur tarkibiy oʻzgarishlarni amalga oshirishga alohida eʼtibor qaratilishi lozim. 2022-2026-yillarga moʻljallangan yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi shunday istiqbolli dasturlardan biri boʻlib hisoblanadi.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvarda qabul qilingan —2022-2026-yillarga moʻljallangan yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi toʻgʻrisida makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash unda iqtisodiy xavfsizlikni taʼminlash va yuqori iqtisodiy oʻsish surʼatlarini saqlab qolish uchun quyidagi vazifalari belgilab olingan: 21-maqсад: Iqtisodiyot tarmoqlarida barqaror yuqori oʻsish surʼatlarini taʼminlash orqali kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulotni – 1,6 baravar va 2030 yilga borib aholi jon boshiga toʻgʻri keladigan daromadni 4 ming AQSH dollaridan oshirish hamda —daromadi oʻrtachadan yuqori boʻlgan davlatlarl qatoriga kirish uchun zamin yaratish. Makroiqtisodiy barqarorlikni taʼminlash va yillik inflatsiya darajasini 2023-yiligacha bosqichma-bosqich 5 foizgacha pasaytirish. Davlat byudjeti taqchilligini qisqartirish va 2023-yildan yalpi ichki mahsulotga nisbatan uning 3 foizdan oshib ketmasligini taʼminlash. Har bir tuman byudjetining kamida 5 foizini —Fuqarolar byudjetil dasturi doirasida aholining takliflari asosida eng dozlarb muammolarni yechishga sarflashni tashkil qilish. Davlat qarzini boshqarishda yiliga yangi jalb qilingan tashqi qarz miqdori 4,5 milliard AQSH dollaridan oshib ketmasligini taʼminlash.

Markaziy bank tomonidan belgilanadigan qayta moliyalash stavkasi moliya bozorini tartibga solishning asosiy koʻrsatkichidir. Shu borada, yaʼni moliya bozorlarini va tijorat banklarining investitsiyaviy imkoniyatlarini barqarorlashtirish uchun Markaziy bankning qayta moliyalashtirish stavkalarini belgilash tizimini takomillashtirish maqsadga muvofiqdir. Shuning uchun ham harakatlar strategiyasida ushbu sohani yanada rivojlantirish va Markaziy bankning asosiy regulatori boʻlmish, qayta moliyalash stavkasini oʻrnatishning xalqaro metodikasidan kelib chiqib, shuningdek, iqtisodiyotning ochiqligi va moliya bozorlarini rivojlanganlik darajasini

hisobga olgan holda Markaziy bankning qayta moliyalashtirish stavkalarini belgilash tizimini takomillashtirish maqsadga muvofiqligi belgilangan.

Xalqaro globallashuv jarayonlarining chuqurlashayotganligi mamlakatlarning valyuta siyosatiga jiddiy taʼsir koʻrsatmoqda va qator mamlakatlarda —golland kasallilning yuzaga kelishiga turtki bermoqda. —Golland kasalligil tabiiy resurs manbalarining kashf etilishi natijasida mamlakat sanoatlashuv darajasining pasayib ketishi, mamlakat milliy valyutasining kuchli revalvatsiyalanishi va natijada mamlakat eksport tovarlari raqobatbardoshligining sezilarli darajada pasayishini anglatadi. —Golland kasalligilga uchragan mamlakatlarda asosiy eksport tovarlarni ishlab chiqarishga asoslangan qayta ishlash sanoatida keskin pasayish yuz beradi va mamlakatning anʼanaviy eksport tushumlari manbai boʻlgan qayta ishlash sanoatiga nisbatan kuchli salbiy taʼsir vujudga keladi.

Tabiiy resurslar uchun qulay baholar sharoiti yoʻqolgach, mamlakatning kuchsizlangan anʼanaviy sanoati orqali iqtisodiy barqarorlikni taʼminlashi ancha ogʻir kechadi. Taraqqiyot strategiyasida koʻtarilgan yana bir muhim masala bu – soliq maʼmuriyatchiligi sifati va samaradorligini yaxshilashdan iboratdir. 2026-yilga borib tadbirkorlik subyektlariga soliq yuklamasini yalpi ichki mahsulotning 27,5 foizidan 25 foizi darajasiga kamaytirish vazifasi belgilangan.

Xulosa. Ushbu masalani hal etish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

1) soliq qonunchiligini tanqidiy oʻrganish va tahlil qilish, huquqni qoʻllashda ortiqcha va murakkab normalarni bartaraf etish, soliqqa tortish bazasini hisoblash jarayonini soddalashtirish, yagona bazadan undiriladigan soliq va boshqa majburiy toʻlovlarni unifikatsiya qilish, shuningdek, soliq qonunchiligi barqarorligini taʼminlash;

2) soliq yukini, shu jumladan, yakka tartibdagi tadbirkorlardan undiriladigan qatʼiy belgilangan soliq miqdorini, shu jumladan, faoliyat koʻrsatish (masalan, uzoq va borish qiyin boʻlgan) joylarini hisobga olgan holda qayta koʻrib chiqish; yirik korxonalariga boʻlgan soliq yukini maqbullashtirish hisobiga izchil pasaytirish. Bugungi globallashuv jarayonlari jadallashayotgan sharoitda mamlakat iqtisodiyotining yuqori surʼatlarda oʻzgarishiga taʼsir koʻrsatadigan sohalardan yana biri bu xalqaro iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, xalqaro moliya bozori institutlari bilan aloqalarni kengaytirishni talab etadi.

Ustuvor ijtimoiy-iqtisodiy, infratuzilma va boshqa loyihalarni amalga oshirishga qaratilgan chet el hukumat tashkilotlarining (Xitoy eksport-import banki, Koreya eksport-import banki, EDCF Fondi, Yapon xalqaro hamkorlik agentligi (JICA), Koreya xalqaro hamkorlik agentligi (KOISA), Germaniya xalqaro hamkorlik jamiyati (GIZ), Shveysariya taraqqiyot va hamkorlik agentligi (SHTHA), Fransiya taraqqiyot agentligi (FTA), Yevropa hamkorlik komissiyalari va hokazo) imtiyozli kredit hamda grant mablagʻlarini jalb qilish imkonining yaratilishi muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Economic Security: Neglected Dimension of National Security? Edited by ShYila R. Ronis. Published for the Center for Strategic Conferencing Institute for National Strategic Studies by National Defense University Press Washington, D.C. 2011.

2. Экономическая безопасность: учебник для вузов/ под общей редакции Л.П.Гончаренко, Ф.П.Акулинина. М.: издательство-Юрайт. 2018. 478 стр. Серия: Специалист

3. Абулкасимов Х.П., Абулкасимов М.Х., Саидахмедова Н.И. Экономическая безопасность предпринимательской деятельности. Учебное пособие. - Т.:Ilmiy-Tehnika AxborotiPress, 2016. – 168 с.
4. Богомолов В.А. и др. Экономическая безопасность: учебное пособие для студентов экономических вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления. - М. ЮНИТИ ДАНА, 2009.
5. Камилова Н.А. Курс лекций по дисциплине Экономическая безопасность. – С.: СамИЭС, 2023. – 250 с.
6. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекции. Учебно-методическое пособие / Д.В. Гордиенко. - М.: ИНФРА-М, Финансы и статистика, 2013. – 625 с.

SANOAT KORXONALARDAGI AYLANMA SUV TA'MINOTI TIZIMLARIDA HOSIL BO'LAYOTGAN MUAMMOLARNING TAHLILI VA OLDINI OLISH USULLARI

Maxmayusupov Muzaffar G'ulom o'g'li

Toshkent davlat transport universiteti, magistratura talabasi

Rixsixodjayeva Gulchexra Rashidxodjayevna

Toshkent davlat transport universiteti, PhD, dotsent

Annotatsiya. Ushbu maqolada sanoat korxonalarining aylanma suv ta'minoti tizimlari va qurilmalarida korroziya, tuz to'planishi, biologik o'simtalar hosil bo'lish va shu kabi qayta foydalanishga qo'yilgan suvning tarkibidagi turli ionlar ta'siri keltirilgan. Sanoat korxonolari hamda transport obyektlaridagi aylanma suv ta'minoti tizimlarni hamda qurilmalarini bu muammolarga uchrashini oldini olish uchun ingibitorlar, reagentlar hamda qayta foydalaniladiagn suvni tozalash usullari amalda qo'llanilmoqda.

Kalit so'zlar: aylanma suv ta'minoti tizimi, suvni tuzsizlantirish, korroziya, biologik o'simta, texnologik jarayonlar.

ANALYSIS AND METHODS OF PREVENTION OF PROBLEMS ARISING IN CIRCULATING WATER SUPPLY SYSTEMS IN INDUSTRIAL ENTERPRISES

Makhmayusupov Muzaffar G'ulom o'g'li

Tashkent State Transport University, graduate student

Rikhsikhodjayeva Gulchekhra Rashidkhodjayevna

Tashkent State Transport University, PhD, associate professor

Abstract. The article presents the effect of various ions of recycled water on corrosion, salt deposition, and the formation of biological growths in recycled water supply systems and devices of industrial enterprises. To prevent the occurrence of these problems, inhibitors, reagents and reusable water purification methods are used in the systems and devices of recycled water supply of industrial enterprises and transport facilities.

АНАЛИЗ И МЕТОДЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ВОЗНИКАЮЩИХ ПРОБЛЕМ В СИСТЕМАХ ОБОРОТНОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Махмайусупов Музаффар Гулом ўгли,

студент магистратуры Ташкентского Государственного Транспортного Университета

Рихсиходжаева Гулчехра Рашидходжаевна,

PhD, доцент Ташкентского Государственного Транспортного Университета

Key words: recycling water supply system, desalination, corrosion, biological growth, technological processes.

Аннотация. В статье представлено влияние различных ионов оборотной воды на коррозию, солеотложение, образование биологических наростов в системах оборотного водоснабжения и устройствах промышленных предприятий. Для предотвращения возникновения этих проблем в системах и устройствах оборотного водоснабжения промышленных предприятий и транспортных объектов применяются ингибиторы, реагенты и методы очистки воды многократного использования.

Ключевые слова: оборотная система водоснабжения, опреснение воды, коррозия, биологический рост, технологические процессы.

Aylanma suv ta'minoti tizimining asosiy muammolari - bu uskunalar va quvurlar tizimining devorlarida korroziya, biologik o'simliklar va metall quvur yuzalardagi tuz to'planishlardir. Shunday muammolar qurilmaning ishlash intensivligini keskin pasayishiga olib keladi: issiqlik uzatish samaradorligi pasayadi, bu esa sovutilgan suv oqim tezligini oshirish zarurligiga olib keladi; uskunaning devorlaridagi mexanik birikmalar o'tish joyining kesimini qisqartiradi, quvurlarni yopib qo'yadi, metall devorlarning yuzasida tuz qatlami ostida korroziya holatlari tez-tez uchraydi, bu quvurlarning teshilishiga, yimirishlarning paydo bo'lishiga va suv oqishiga olib keladi. Bularning barchasi ishlab chiqarish xarajatlarining oshishini keltirib chiqaradi.



1-rasm. Quvurda qoldiqlar to'planishining oqibati

Aylanma suv ta'minotini kimyoviy tozalash usulini tanlashda quyidagi omillar hisobga olinishi kerak: manba suvining tarkibi va uning sifatiga qo'yiladigan talablar; siklning operatsion parametrlari ekologik standartlar va xavfsizlik talablari.

Aylanma suv ta'minoti tizimida suv sifatini oshirishda, qurilmalarni korroziyaga uchrashini, qoldiqlar to'planishini hamda turli biologik o'simliklar o'sishini oldini olish uchun qo'llaniladigan asosiy reagentlarni uchta asosiy guruhga bo'lish mumkin:

- korroziyaga qarshi ingibitorlari;
- tuz to'planishiga qarshi ingibitorlari;
- biologik ifloslanishga qarshi kurashga qaratilgan reagentlar.

Bugungi kunda sanoat bo'yicha qora va rangli metallurgiya korxonalarining aylanma suv ta'minoti tizimidan foydalanish taxminan 80% ni tashkil etadi, ayrim zavodlarning sharoitlariga ko'ra bu ko'rsatkich 97% ga yetadi (Bekobod metallurgiya kombinati).

Sanoat korxonalarini aylanma suv bilan ta'minlash sanoat korxonalarini suv bilan ta'minlash va drenajlashni tashkil etishning eng keng tarqalgan usuli hisoblanadi. Neftni qayta ishlash, metallurgiya kabi sohalarda oqova suvlarning 95% gacha ishlab chiqarishga qaytariladi va atigi 5-10% hududdan tashqariga tashlanadi.

Agar quvur liniyasi uskunani sovutish uchun ishlayotgan bo'lsa, u holda ichidagi sovutish suvi faqat isitiladi va toza bo'lib qoladi. Qayta ishlab chiqarishga yo'naltirish uchun atrof-muhit haroratini pasaytirish kifoya. Suvni sovutish uchun hovuzlar, sovutish mineralari va boshqa oddiy tuzilmalar ishlatiladi. Agar quvur liniyasi uskunani tozalash, ifloslantiruvchi moddalarni tashish uchun yotqizilgan bo'lsa, qayta ishlatishdan oldin atrof-muhitni kompleks qayta ishlash talab

etiladi. Suv filtrlanadi, sovutiladi, me'yoriy ko'rsatkichlarga erishish uchun kimyoviy reagentlardan foydalaniladi. Aylanma sxema cheklangan manbaga ega bo'lgan kichik manbalar bilan yaxshi ishlaydi. Tizim, shuningdek, yetkazib berish quvurining katta uzunligi va obyektни suv omboridan 25 m dan ortiq balandlikda ko'tarish uchun foydalidir

Sanoat korxonasining aylanma suv ta'minotida texnik suv umumiy talablariga va me'yorda belgilangan maxsus standartlarga javob berishi kerak.

1. Ochiq tizimlardagi ish muhiti odamlar salomatligi uchun xavfsiz bo'lishi kerak, o'tkir hidga ega bo'lmasligi kerak. Patogen bakteriyalarning tarkibi 1000 mg/l dan oshmaydi.
2. Aylanma suv ta'minoti tizimida sovutish suvi harorati 28-30°C dan yuqori emas.
3. Zarrachalar diametri 0,05 mm gacha bo'lgan qattiq aralashmalar miqdori sovutilgan uskunalarda uchun belgilangan qiymatlardan oshmasligi kerak.
4. Qayta ishlash tizimidagi suv termal barqaror bo'lishi yoki maxsus ishlov berilishi kerak
5. Sanoat tarmoqlari uchun quvurlar korroziyaga chidamli materiallardan tayyorlanadi yoki himoya vositalari bilan qoplanadi.
6. Suv muntazam ravishda issiqlik almashinuvchilarning biologik ifloslanishiga hissa qo'shadigan mikroflorani yo'q qilish uchun xlor o'z ichiga olgan vositalar bilan zararsizlantiriladi.

Aylanma suv ta'minoti suvini tuzsizlantirish - bu umumiy tuzlar miqdorini distsillangan suvlar uchun tavsiya qilingan qiymatlarigacha, ya'ni 5 mg/l gacha kamaytirish jarayonidir.

Sanoat korxonalarida aylanma suv ta'minoti tizimida suvga ishlov berish va suvni tozalashning bir necha usullari qo'llaniladi.

1. Tiniqlashtirish. Ishlov berilayotgan suvga toza suv qo'shiladi. Oqim qaytarib bo'lmaydigan yo'qotishlarni qoplaydi, aralashmalar konsentratsiyasini kamaytiradi. Usul tuz miqdori past bo'lgan aylanma tizimlar uchun mos keladi.
2. Nordonlashtirish. Suvga oltingugurt yoki xlorid kislotasi qat'iy hisoblangan miqdorda qo'shiladi. Chunki karbonat qoldiqlari ishqoriy muhitda hosil bo'ladi, shuning uchun nordonlashtirish tuzlarning cho'kish tezligini sekinlashtiradi. Bundan tashqari, kislota bikarbonatlarni kuchsizlantiradi – bu issiqlik almashinuv qurilmalarida o'simtalar hosil bo'lishining asosiy sababidir.
3. Fosfatlash. Natriy fosfor tuzining eritmasi aylanma tizimga qo'shiladi. Modda metall bikarbonatlar bilan o'zaro ta'sir qiladi, kristallarning o'sishini oldini oladi. Fosfatlashda qayta ishlangan suvni xlorldash majburiydir va sovutish minoralari vaqti-vaqti bilan mis sulfat bilan ishlov berib turiladi.
4. Yumshatish (suvni yumshatish). Suvning qattiqligini kamaytirish uchun ohaklash usuli qo'llaniladi. Kalsiy va magniy tuzlari erimaydigan birikmalar hosil qiladi, ular tindirgichlarda tinadi yoki filtrlar tomonidan ushlanadi. Agar ish jarayonidagi suv qaynash nuqtasiga qadar qizdirilsa, uni ion almashinish yuklamalarida yumshatish tavsiya etiladi.
5. Xlorldash. Xlor tuzlari ko'plab kimyoviy aralashmalarni olib tashlaydi va mikroorganizmlarni yo'q qiladi. Reagentlarning dozasi aylanma suvni tahlil qilish asosida ehtiyotkorlik bilan hisoblanadi.
6. Fizik ishlov berish. Sanoat obyektlarining zamonaviy suv ta'minoti tizimlarida elektr maydoni, magnit maydon yoki ultratovush yordamida oqimni qayta ishlash texnologiyalari tobora ko'proq qo'llanilmoqda. Fizik usullar yangi karbonat qoldiqlarini kamaytiradi va eski qoldiqlarni olib tashlashga yordam beradi.

- разработать рекомендаций по проектированию и строительству арочных мостов в Узбекистане.

Перспективы дальнейшего исследования по разработке новых конструктивных форм арочных мостов даст нам открыть облик городов Республики Узбекистан, и решить одну из наиболее актуальных задач в настоящее время при развитии современного мегаполиса.

Список использованной литературы

1. Мелан и Гастеши. Перевод с немецкого под редакцией инж. В.В. Григорьева. Железобетонные арочные мосты. М:Трансжелдориздат, 1939.- 605 с.
2. <https://podrobno.uz/cat/economic/eksperty-uzbekistan-v-perspektive/> (Дата обращения 24.03.2019)
3. Shermukhamedov, U., Karimova, A., Khakimova, Y., & Abdusattorov, A. (2022). Modern techniques for the construction of monolithic bridges. *Science and innovation*, 1(A8), 790-799.
4. Шермухамедов, У.З., & Абдухатова, М. А. (2018). Современное состояние и перспективы проектирования и строительства городских транспортных сооружений республики Узбекистан. *Путевой навигатор*, (36-37), 24-28.
5. Shermukhamedov, U., Karimova, A., Abdullaev, A., & Hikmatova, I. (2023). Calculation of monolithic bridges taking into account seismic conditions of Republic of Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 365, p. 02005). EDP Sciences.
6. Смирнов В.Н. Опоры мостовых сооружений: проектирование, строительство, ремонт и реконструкция: учебное пособие. – Санкт-Петербург: ДНК .– 2013. – 55 с.
7. Шермухамедов, У.З. (2010). Проектирование сейсмостойких сооружений для условий Узбекистана. *Новые технологии в мостостроении* (pp. 95-99).
8. Shermukhamedov, U., & Karimova, A. (2022). Современные подходы проектирования и строительства мостов и путепроводов в Республике Узбекистан. *Science and innovation*, 1(A8), 647-656.
9. Салиханов, С. С., & Шермухамедов, У. З. (2020). Мостовое полотно железобетонных мостов с использованием нового типа гидроизоляции. *Путевой навигатор*, (42), 30-32.

IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKISTONDA TA’LIM MASALASI

Erbutayeva Ugiloy Suyunovna
Guliston davlat universiteti tuzilmasidagi
Qatag‘on qurbonlari xotirasi muzeyi direktori
Tel: +99899 607 22 90

Annotatsiya: Bir qator matbuot materiallari va tarixiy manbalarga tayangan holda ushbu maqolada tariximizning eng og‘ir davrlaridan biri bo‘lgan Ikkinchi jahon urushi yillarida mamlakatimiz fan va ta‘lim tizimidagi o‘zgarishlar, muammolar va ularning adolatli yechimlari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Qahramon, texnika, qurol-yarog‘, tibbiyot, fabrikalar, tarix, akademiya, etnografiya, tilshunoslik, qo‘lyozma, mehnat, maktab.

Аннотация: В данной статье на основе ряда материалов прессы и исторических источников освещены изменения, проблемы и их справедливые решения в системе науки и образования в нашей стране в годы Второй мировой войны, одного из самых сложных периодов нашей истории.

Ключевые слова: Герой, техника, оружие, медицина, заводы, история, академия, этнография, языкознание, рукопись, труд, школа.

Annotation: This article, based on a number of press materials and historical sources, highlights changes, problems and their fair solutions in the system of science and education in our country during the Second World War, one of the most difficult periods of our history.

Key words: Hero, technology, weapons, medicine, factories, history, academy, ethnography, linguistics, manuscript, labor, school.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev sovuq urush tarixiga yuzlanib, unda mard va jasur o‘zbek o‘g‘lonlari haqida shunday fikrlarni ilgari surgan: “Hech shubxasiz, bu dahshatli urush, butun insoniyat qatori bizning xalqimizga ham mislsiz kulfat va yo‘qotishlar olib keldi. Ikkinchi jahon urushida minglab yurtdoshlarimiz Sovet Ittifoqi Qaxramoni unvoniga sazovor bo‘ldi, minglab otalarimiz, bobolarimiz jangovar orden va medallar bilan mukofotlandilar. Xalqimiz front ortida fidokorona mehnat qilib, urush maydonlariga juda katta miqdorda harbiy texnika, qurol-yarog‘, dori-darmon, kiyim-kechak, oziq-ovqat mahsulotlari etkazib berdi... G‘alaba biz uchun naqadar qimmatga tushgani, xalqimiz dunyoni fashizm balosidan xalos etishga qanday katta xissa qo‘shganini yaqqol ko‘rsatadi. Tarixning ana shunday beshafqat va suronli sinovlaridan yorug‘ yuz bilan, har tomonlama munosib o‘tgan xalqimizga har qancha ta‘zim qilsak, har qancha tasannolar aytsak arziydi, albatta”[1:127-b] deya bildirgan fikr muloxazalari o‘zbek xalqining urushga qo‘shgan xissasi va ishtiroki benihoya katta ekanini ko‘rsatadi.

Urushning birinchi kunlaridanoq O‘zbekiston olimlari, oliy va o‘rta maxsus o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari xalq xo‘jaligini harbiy izga ko‘chirib qayta qurish bilan aloqador mummaolarni hal qilishga kirishdilar. Ilmiy-tadqiqot institutlari va texnika oliy o‘quv yurtlari zavodlar, fabrikalar, temir yo‘l transporti va avtomobil transporti korxonalarini bilan bevosita aloqa bog‘ladi.

O‘zbekistonga SSSRning g‘arbiy mintaqalaridan Ittifoq fanlar akademiyasi institutlari va ilm-fan arboblari ham evakuatsiya qilindi. Faqat Toshkent shahrining o‘ziga 1941-yilning kuzida Moskva, Peterburgdagi ko‘pgina yetakchi oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari

jamolari, shuningdek, SSSR Fanlar akademiyasining sharqshunoslik, tarix, jahon adabiyoti, moddiy madaniyat tarixi va boshqa ilmiy tadqiqot institutlari, ko'plab olimlar: akademiklar B.V.Struve, V.D.Grekov, SSSR Fanlar akademiyasining muxbir a'zolari E.E.Bertels, B.F.Shishmaryov, A.Yu.Yakubovskiy, A.A. Mixaylov, professor S.P. Tolstov va boshqa ko'plab ko'chirib keltirilgan olimlar Toshkentda ilmiy tadqiqot ishlarini olib bordilar[2:133-b].

Sobiq Ittifoq akademiyasi institutlarining Toshkentga kelib ishlayotganligi O'zbekistonda urush yillari bo'lishiga qaramay fanning yanada rivojlantirilishi uchun juda katta ahamiyatga ega bo'ldi. Masalan, SSSR Fanlar akademiyasining Peterburgdagi institutlari tarix, etnografiya, tilshunoslik, adabiyotshunoslik sohasidagi tadqiqotlarini Toshkentda davom ettirdilar. Ular juda qimmatli ilmiy materiallarni to'pladilar, qadimiy qo'lyozmalar hamda dala amaliyoti materiallari asosida bir qancha katta monografik asarlarni tayyorlab chop ettirdilar. Shu bilan birga ko'chib kelgan olimlar mahalliy aholi orasida targ'ibot va tashviqot ishlarini ham olib bordilar. Ular mahalliy millat vakillari orasidan ko'plab iqtidorli yoshlarni topib ulardan ilmiy kadrlar tayyorlash sohasida ham ko'p ishlarni amalga oshirdilar.

O'zbekistonda urushning dastlabki yillarida ilmiy-tadqiqot ishlarini umumiy muvofiqlashtirishni SSSR Fanlar akademiyasining 1940-yilda tashkil etilgan O'zbekiston SSR filiali (O'zFAN) amalga oshirdi. Urush boshlanish vaqtiga kelib Fanlar akademiyasining O'zbekiston filiali tarkibiga geologiya, energetika, kimyo institutlari, botanika va tuproqshunoslik instituti, til, adabiyot va tarix instituti, iqtisodiy tadqiqotlar byurosi, fizika-matematika sektori va boshqa ilmiy bo'limlar kirardi[3:487-b]. Aynan shu O'zFAN Respublikadagi oldindan mavjud hamda urush tufayli ko'chirib keltiridigan ilmiy tadqiqot markazlari hamda institutlar faoliyatini boshqarib turdi. Ularning faoliyatini kordinatsiya qilib bordi.

Urush xalq ta'limi muassasalari faoliyatini ham murakkablashtirib yubordi. Ko'pgina o'qituvchilar harakatdagi armiya safiga chaqirildi, yuqori sinflarning o'quvchilari ishlab chiqarishga safarbar qilindi. Maktab binolarining anchagina qismi gospitallarga, evakuatsiya qilingan harbiy qismlarga, bolalar uylari va harbiy-o'quv punktlariga berildi. Natijada respublikadagi maktablarning umumiy soni 1942-1943 o'quv yilida 1940-1941 o'quv yilidagiga nisbatan qisqarib, 4795 tadan 4374 tagatushib qoldi. Binolar va o'qituvchilar yetishmasligi tufayli ko'pchilik maktablarda mashg'ulotlar 3 smenada olib borildi. Darsliklar, o'quv qurollari boshqalar yetishmas edi.

Lekin barcha qiyinchiliklarga qaramasdan, O'zbekiston maktablarining jamoalari gospitallarni otaliqqa oldilar, yaradorlar huzurida konsertlar qo'yib berdilar, frontga ketganlarning oilalariga, urush nogironlarining oilalariga yordam berdilar. Harakatdagi armiya jangchilari uchun sovg'alar tayyorladilar, qishloq ho'jalik ishlarida ishtirok etdilar[4:287-294-b].

O'zbek tilida chiqqan "Vatan sharafiga uchun" gazetasining 1944-yil 16-yanvar №3(193) sonida O'zbekistondan xat rukni ostidagi "Suvorov maktabida mashg'ulot boshlandi" nomli habarda Toshkentdagi eng yaxshi maktablardan birida mashg'ulotlar boshlandi. Sinflar, oshxona va yotoqxona jixozlandi. O'quvchilar kiyim-kechak va o'rin-bosh oldilar. Maktab binosida, ta'lim rotalarida, safda yurganda va komandirlarga salom berish paytida namunali tartib va qat'iy harbiy intizomga rioya qilindi. Maktab eng yaxshi pedagog kadrlar bilan ta'minlangan [5:28-b], deya ma'lumot beriladi.

Maktablarning ta'lim-tarbiya ishlarida qiziqarli ko'pgina yangiliklar paydo bo'ldi. O'quvchilarning fanlardan o'zlashtirishini baholashning besh balli sistemasi joriy qilindi, harbiy fizkultura ishlari, o'quvchilarning havo hujumidan va ximiya hujumidan mudofaa asoslarini

o'rganishlari BGTO, GTO, GSO, VSlarga norma topshirish kuchaytirildi. Bundan ko'zlangan maqsad o'quvchilarning harbiy ishga ham tayyorlash asosiy maqsadlardan biri qilib olindi.

O'zbekiston SSRning xalq komissarliklari hamda respublikada mahalliy ahamiyatga ega tashkilotlarga mablag' ajratish hamda kapital remont uchun ularga ajratiladigan mablag' 1945-yilda 306 million 600 ming so'mdan iborat juda katta summadir. Byudjet xisobiga bajariladigan katta ishlar hajmi 210 million 800 ming so'mdir yoki hamma xarajatlar summasining 68,8 foizni tashkil qiladi. 1945-yil byudjeti keng xalq ommasining manfaatlarini to'la-to'kis batamom ifodalaydi [5:274-275-b].

Biroq o'qituvchilar va xalq maorifi xodimlarining fidokorona mehnati hamda izlanishlarining samarasi o'laroq bu qiyinchilik hamda muammolar ham fidokorona yengib o'tildi. Urush sharoitida bo'lishiga qaramay maorif, ta'lim tizimi bir joyda to'xtab qolmadi, aksincha oldinga qarab siljidi, o'rta maxsus ta'lim hamda oliy o'quv yurtlari soni va ularda o'quvchilar soni ham ortib bordi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1 jild. – Toshkent: O'zbekiston, 2017.
2. Ўзбекистон ССР тарихи . Тўрт томлик. Т.IV. –Б. 123.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарк, 2000.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1971 г. Стат. Ежегодник. – Ташкен: 1972.
5. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017.

THE ROLE OF THE HUMAN FACTOR IN TECHNOLOGY

1. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. Professor of Tashkent State Transport University.
2. Normuminov Sarvarbek Shovkat o'g'li.
3. Rajabboev Ruslan Muhammad o'g'li Student of Tashkent State Transport University.

Abstract. Creativity and invention, as one of the central problems of philosophy, connect the phenomenal world with the noumenal world. The reason for this is that at the point of emergence, at the stage of invention, technology acquires its purest form and reveals its essence better. In the process of invention, the technique remains "in itself". That is why the essence of technology is manifested not in production and its products, but only in technical creativity itself, in invention.

Key words: creativity, invention, creativity, ontological, anthropological, instrumental, evolutionary.

Creativity and invention, as one of the central problems of philosophy, connect the phenomenal world with the noumenal world. The reason for this is that at the point of emergence, at the stage of invention, technology acquires its purest form and reveals its essence better. In the process of invention, the technique remains "in itself". That is why the essence of technology is manifested not in production and its products, but only in technical creativity itself, in invention.

In the structure of technical creativity or invention, the following elements can be distinguished: determination of human purpose, consisting of natural material and internal processing in the mind. Human goal-setting is a unique trigger mechanism of the technical creation process, which is possible only in accordance with the laws of nature and in the presence of natural material. However, this process also means breaking free from the constraints imposed by natural laws. As a result, it cannot be carried out without the third, most important element - internal processing in the mind. Pre-given solutions to technical problems are created with the existing transcendental field and according to the pre-given artifacts. According to the European scientist Dessauer, the inventor should think as follows: he should think about what happened as a result of his creation, not with the consciousness of "I did it", but with the consciousness of "I found". It was already somewhere, and I had to look for it for a long time... It could not appear before it had fulfilled its purpose and formed itself in my thinking, because it could only be that way. I found him in another world, and he avoided appearing in the visible world until I saw his true form clearly enough in another world. Ultimately, Dessauer interprets inventions as a continuation of God's original plan of creation and concludes that technology, like nature, is an extension of divine wisdom, an "encounter with God."

And N.A. Berdyaev understands technique in two ways. In a narrow sense, technique means to make, to create with art, and in a broader sense, it is a concept that permeates the whole world.

Technology with its spiritual and material components has a special place in social life. In whatever sense we speak of technology, it everywhere teaches us to achieve the greatest result with the least expense. After all, a machine is an energy-saving device, and energy efficiency is one of the basic laws of economics. Technology, according to Berdyaev, is the world of machines, a new category of existence. "The machine," he writes, "is not really an inorganic or an organic body ... Inorganic machines do not exist in nature, they exist only in the social world." These organized bodies do not appear before man as inorganic bodies, but after man and through man.

As you can see, despite the many differences between the ontological, anthropological, instrumental, evolutionary and religious definitions of technology, they are compatible with each other, because without man and his activity there is no technology. Thanks to his work, man

created a new, technical reality, "second nature", began to count down social time. It is the ability of man to make various devices, the first of which is a digging stick, which significantly distinguishes him from all representatives of the animal world. Humans, unlike animals, reproduce tools and tools and pass them from generation to generation. Man's existence is crucially dependent on the artificial environment and the tools he creates. By the end of the 20th century, technology has become a very complex multifunctional social phenomenon. Currently, the essence of technology cannot be characterized by any single feature. The one-factor theory of technology and its interaction with other spheres of life is baseless. All general statements about the nature of technology are too crude and distort the view of technology to adequately describe the variety of technology." Therefore, in our opinion, it is effective to consider it as a multifactorial socio-cultural phenomenon characterized by various characteristics. As a generalization, we present the approach of the following thoughts written by G. Ropol in this regard: In terms of "technique", real technology includes: a) a set of useful technologies, artificial, objective formations (artifacts); b) a set of human actions and devices by which artifacts are created; c) the totality of human actions in which these artifacts are involved. If (b) and (c) artefacts show the conscious individual and social activity of a person, then the description of artefact (a) shows the importance of technological manifestations: after all, artefacts are unique and, moreover, they are made of natural materials.

At least four approaches to the nature of technology can be distinguished - epistemological, anthropological, socio-historical and methodological. Representatives of the epistemological approach (G. Skolimovsky, I. Jarvi, M. Bunge, etc.) analyze technology as a unique form of knowledge, determined primarily by the logic of scientific and technical creativity and relatively independent of socio-historical needs. Proponents of the anthropological approach (L. Mumford, K. Hefner, T. von Rozzak, etc.) analyzed the idea of the nature of technology in connection with human nature and human essence. According to this approach, technology appears in the process of active, changing human activity. Representatives of the socio-historical approach (J. Ellul, M. Heidegger, D. Burnham, etc.) refer to the analysis of the real operation of technology in modern society against the background of the socio-historical context, with the condition of researching the process. They emphasize the technologicalization of all aspects of human activity and its social and personal manifestations. Finally, supporters of the methodological approach (F. Rapp, S. Moser, H. Lenk, etc.) are mainly focused on the analysis of methodological problems of engineering design and scientific and technical knowledge, and are supporters of interdisciplinary cooperation of participating scientists in this regard. It is impossible to analyze the operation of modern technology, without them it is impossible to understand scientific and technical progress and its consequences. At the same time, we emphasize that debates about the essence and nature of technology are not only theoretical or scholastic debates, but also debates about the future of man and humanity. In general, technology is a social and natural phenomenon: created on the basis of the laws of nature and the laws of society, it satisfies the social and personal needs of man. Natural processes give integrity to technical objects and determine the principles of their organization, and technical objects, in turn, transform naturalness into artificial (this is their internal function) and perform certain social functions (this is their external function). The function of a technical object is its property, which is used in the course of human activity. Also, any natural object that performs a technical function is already a potential technical object. Therefore, there is no fundamental boundary between "first" and "second" natures.

Technical objects that are an element of human activity also perform direct and reverse functions. Direct function is the interaction of man and nature through technology; reverse function is the impact of technical objects, the entire technical system on people and society. Direct and reverse functions are two sides of the general system "man - technology - nature". The bases for distinguishing the functions of technical objects are as follows: 1) natural bases that are the basis for the existence of artificial material formations; 2) the characteristics of man as a biological being serve as the material basis of the interaction between man and nature; 3) personality characteristics as a set of characteristics that reveal the dimension of a person; 4) characteristic features of society as a unique organization of human activity.

The technique is ultimately aimed at changing the person himself in the process of changing the labor activity of the person. Its meaning is to liberate man from the power of nature, to master its resources.

REFERENCES

1. Salimov B. L. (2023). *TEXNIKA TARAQQIYOTI BORASIDAGI FALSAFIY KONSEPSIYALAR*. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (11), 333-337.
2. Salimov B. L., Erkinov S. T., Maxammatova M. X. (2023). *TEXNIKA VA TEXNOSFERA TUSHUNCHALARINING FALSAFIY MOHIYATI*. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (11), 324-328.
3. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Shoxrux Quranboevich Otaxonov. [THE ROLE OF NANOTECHNOLOGIES IN IMPROVING THE AUTOMOTIVE INDUSTRY](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 136-141.
4. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Bekzod Zokirovich Sarsenboev. [DEVELOPMENT OF TECHNICAL SYSTEMS AND ENGINEERING THINKING](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 80-85.
5. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Aziza Xajamberdievna Bektasheva. [THE ROLE OF VALUE RELATIONSHIPS IN THE FORMATION OF ENGINEERING PHILOSOPHY](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 166-172.
6. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Damir Abduvalievich Rahimov. [REPRESENTATION OF HUMAN ACTIVITY IN TECHNICAL NATURE](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 91-97.
7. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Muhammaddiyor Oybekovich Abdukhalikov. [DEVELOPMENT OF COMMUNICATIONS AND TRANSPORT IN UZBEKISTAN OVER THE YEARS OF INDEPENDENCE](#). *ILM FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO'LLANILISHI*. 2023. №3/31. 76-80.
8. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Quvonchbek Turg'unovich Normamatov. [TECHNICAL PHILOSOPHY AS A PART OF THE HISTORY OF HUMAN DEVELOPMENT](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 98-103.
9. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Zainiddin Elmuratovich Jurakulov. [MODERN MECHANICAL ENGINEERING AND NANOTECHNOLOGIES](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 159-165.
10. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Dmitriy Vladimirovich Shushakov. [STAGES OF DEVELOPMENT OF TECHNICAL KNOWLEDGE](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 126-131.

11. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Yevgeniy Viktorovich Remenyuk. [PHILOSOPHICAL FEATURES OF TECHNICAL EXISTENCE](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 173-178.
12. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Arslonbek Axmedovich Ruzmetov. [VIEWS OF M. HEIDEGGER AND K. JASPERS ON TECHNOLOGY AND PHILOSOPHY OF TECHNOLOGY](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 187-192.
13. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Hojiakbar Olimjonovich Odilov. [SOCIO-PHILOSOPHICAL IMPACT OF ENGINEERING THINKING](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 142-146.
14. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Davlet Rashidovich Gaipov. [IMPORTANT PROBLEMS OF TECHNICAL PHILOSOPHY](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 152-158.
15. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва барқарорлигини белгиловчи муҳим тамойиллар. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3(3), March, 2023.
16. Salimov, B., Madalimov, T. (2023). Transport falsafasi. [Globe Edit](#).
17. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
18. Baxriddin Lutfullaevich Salimov. NEGATIVE CONSEQUENCES OF SCIENCE AND TECHNOLOGY DEVELOPMENT. International Conference " Law, Economics and Tourism sciences in the modern world". 2023/5/1. С. 5-10.

PEREGONLARDAGI YO'L REJASI

Eshonov Farhod Faizullaxujayevich. Katta oqituvchi
Toshkent davlat transport universiteti
O'roqov Shuhratjon Baxtiyor o'g'li
Toshkent davlat transport universiteti

Annotatsiya. Maqolada temir yolning egri uchastkalaridagi tashqi relsning balandligi, o'tish egriligi uzunliklarini aniqlashning ifodalari keltirilgan. Yuqori tezlikli liniyalar peregonlarida yo'l planiga (rejasiga) qo'yiladigan asosiy talablar keltirilgan.

Kalit so'zlari. Yo'l plani, tashqi rels, egrilik, o'tish egriligi, to'g'ri va egri uchastkalar.

Trassani loyihalashtirish parametrlari va me'yorlari unga bog'liq bo'lgan barcha inshootlar va qurilmalar kabi poyezdlarning yo'l qo'yiladigan maksimal tezliklar bilan xavfsiz harakatlanishini ta'minlashlari lozim. Trassaning bo'shliqdagi liniya sifatidagi loyahasiga ega bo'lish uchun trassaning nafaqat bo'ylama profilini, balki plani (rejasi)ni ham loyihalashtirish zarur. Temir yo'l liniyasi plani (rejasi) deb trassaning gorizontalsath(yuza)ga tushirilgan proektsiyasiga aytiladi. Liniya plani (rejasi) yo'lining bir-biri bilan aylana va o'tish egriliklari yordamida ravon birlashtirilgan turli yo'nalishlardagi to'g'ri uchastkalaridan iboratdir. Yo'lining to'g'ri (tekis) uchastkalari egri uchastkalarga nisbatan qurilish va foydalanish (ekspluatatsiya) nuqtai nazaridan kattagina ustuvor jihatlarga ega (yo'l konstruksiyasining sodda va arzonligi, yo'l va harakatlanuvchi tarkib elementlarining kamroq yedirilishi va h.k.). Qulay topografik shart-sharoitlarda, konturli to'siqlar mavjud bo'lmagan hollarda to'g'ri yo'lni imkon qadar uzun va davomli qilib jihozlashga intilish talab etiladi. Egri uchastkalar qurishdan asosiy maqsad temir yo'l qurilishi qiymatini kamaytirishdan iborat. Ayniqsa egri yo'llar murakkab topografik, muhandislik-geologik va boshqa tabiiy sharoitlarda, og'ir vaziyatlar yuzaga kelganida (turar joylar, muhandislik kommunikatsiyalarini aylanib o'tish yoki eng maqbul tarzda kesib o'tish va h.k.) ko'p loyihalashtiriladi. Loyihachi tomonidan yo'lining biror uchastkasida zararli egriliklar sonini, ularning joylashishini va ko'rsatkichlarini to'g'ri belgilashi murakkab muhandislik vazifasi hisoblanadi. Quyida yuqori tezlikli liniyalar peregonlarida yo'l planiga (rejasiga) qo'yiladigan asosiy talablar keltirilgan /5/. Agar quyidagi qiymatlardan biri oshirib yuborilishi oqibatida ularda soatiga 250 km tezlikni amalga oshirib bo'lmasa, temir yo'l izining egri uchastkalari qayta qurilishi (jihozlanishi) talab etiladi:

– 0,7 m/s² ga teng bo'lgan so'ndirilmagan a_{np} tezlashish, og'ir sharoitlarda esa ko'pi bilan 1,0 m/s²;

– so'ndirilmagan tezlashishning ortib borish tezligi Ψ , uning chegaraviy (o'ta yuqori) qiymati 0,4 m/s³ dan katta bo'lmasligi shart;

– tashqi i iz ko'tarilish otvodining qiyaligi - ko'pi bilan 0,5 mm/m (‰).

Yangi uchastkalarni tiklash yoki yer polotnosini rekonstruksiya qilish bilan bog'liq liniya trassasini o'zgartirishda egriliklar radiusini so'ndirilmagan tezlashish qiymatlari, aylana va o'tish egriliklari uzunligi va tashqi relsning ko'tarilish qiymatiga qo'yiladigan talablar yig'indisiga kshra aniqlash kerak bo'lib, 3000 m dan 5000 m gacha oraliqda qabul qilish tavsiya etiladi. Qayta jihozlanayotgan egriliklar egrilikning butun aylanasi bo'ylab doimiy radius qiymatiga ega bo'lishi shart. Aylana egriliklar va o'tish egriliklarining boshlang'ich nuqtalari orasidagi to'g'ri qo'yilmalar uzunligi kamida 50 m bo'lishi shart. Mavjud yer polotnosidagi liniyani rekonstruksiya qilishda ko'p radiusli egriliklar bo'lishiga yo'l qo'yiladi. Agar egriliklar orasidagi farq 0,0002m⁻¹ dan katta bo'lsa, turli radiusli egriliklarni o'tish egriligi bilan birlashtirish zarur. Og'ir sharoitlarda

bir yoʻnalishdagi yonma-yon egriliklar orasidagi mavjud qisqa qoʻyilmalar 5000 m radiusli egriliklar bilan almashtirilishi mumkin.

Tashqi rels koʻtarilish h qiymati, mm, quyidagidan kam boʻlmasligi kerak:

$$h = \frac{12,5V_{\max}^2}{R} - 115,$$

bu yerda V_{\max} – yuqori tezlikli poyezdning tortuv hisoblari boʻyicha egrilikdagi maksimal tezligi, km/s;

R – egrilik radiusi, m.

Ogʻir sharoitlarda koʻtarilishni quyidagi ifoda boʻyicha aniqlashga ruxsat etiladi:

$$h = \frac{12,5V_{\max}^2}{R} - 163$$

Tashqi relsning egriliklarda koʻtarilish qiymati (kattaligi) oʻtish egriligi uzunligini qisqartirish boʻyicha avvalroq aytib oʻtilgan talablarga rioya qilinishini taʼminlashi lozim. Kuzovi majburiy egiladigan harakatlanuvchi tarkibdan foydalanishda koʻtarilishlar kattaliklari va egriliklar radiuslarini qiymati harakatlanuvchi tarkibning pasportiga koʻra olinadigan soʻndiril-magan koʻndalang tezlashishni hisobga olgan holda qabul qilish kerak boʻladi. Koʻtarilish darajasi 20 mm dan kam va 100 mm dan koʻp boʻlmasligi, ogʻir sharoitlarda koʻtarilish kattaligi 125 mm, texnik-iqtisodiy asoslash mavjud boʻlganida esa – 140 mm talab etiladi. Tortuv hisob-kitoblariga koʻra yuk va yoʻlovchi tashiydigan poyezdlarning harakat tezligi, yuqori tezlikli poyezdlardan tashqari, 50 km/s dan ortmaydigan egriliklarda koʻtarilish kattaligi 100 mm dan oshmasligi shart.

Oʻtish egriligi uzunligi l , m, quyidagi ifodalardan olingan maksimal qiymat boʻyicha qabul qilinadi:

–gʻildirakning koʻtarilish otvodi boʻyicha koʻtarilib borish tezligiga koʻra

$$l \geq \frac{hV_{\max}}{125},$$

bu yerda h – loyiha boʻyicha koʻtarilish, mm;

–soʻndirilmagan tezlashish tezligining oʻsib borishiga koʻra

$$l \geq \frac{a_{\text{in}} V_{\max}}{3,6\Psi}$$

–koʻtarilish otvodi qiyaligiga koʻra (13-jadv.)

$$l \geq \frac{h}{i}$$

1-jadval.

Tezyurar va yuqori tezlikli liniyalarda koʻtarilish i otvodining yoʻl qoʻyiladigan qiyaliklari.

Tezlik, km/s, koʻpi bilan	Koʻtarilish otvodi, koʻpi bilan, mm/m
250	0,7
220	0,8
200	0,9

180	1,0
160	1,1
140	1,2

Bu holda otvodlarning boshi va oxiri egriligi va ko'tarilishi bo'yicha o'zaro mos tushishlari kerak. Yo'lning to'g'ri uchastkalaridagi trassaning plandagi mavjud, burchagi $0,1^\circ$ katta bo'lmagan burilishlari yo'lni ta'mirlash jarayonida bartaraf etilishi shart. Agar bu o'nta va undan ko'p kontakt tarmog'i tayanchining qayta o'rnatilishi, iz qo'shilishlari va strelkali ko'chalar, prolet qurilmalari siljirilishi, yer polotnosini qayta jihozlash zaruratini keltirib chiqarsa, radiusi 10000 m dan 20000 m gacha bo'lgan egrilikni ko'tarilishni jihozlamagan holda loyihalashtirish kerak bo'ladi.

Adabiyotlar

1. ВСН 448-Н «Инфраструктура высокоскоростной железнодорожной линии Ташкент – Самарканд. Общие технические требования», Ташкент, 2010.
1. Rasulev, A. F. Tezyurar va yuqori tezlikdagi magistrllar tarnsport inshootlardan foydalanish: : o'quv qo'llanma / A. F. Rasulev, A. N. Ovchinnikov, I. B. Purtseladze. - Toshkent : TTYMI, 2018. - 154 b.

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ХУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

Самандаров Валижон Равшанович, Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси магистратура факультети тингловчиси,
телефон 99 890 7709

электрон манзил: valijonsamandarov80@gmail.com

Ифтихор Каримов, Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
Криминалистика ва суд экспертизалари кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақола оилавий (маиший) зўравонлик тушунчасига, зўравонликнинг халқаро даражадаги муаммоларига, миллий қонунчилигимиздаги бўшлиқларга, уларнинг таҳлили ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларга бағишланган.

Аннотация. Данная статья посвящена понятию семейного (домашнего) насилия, проблемам международного уровня насилия, пробелам нашего национального законодательства, их анализу, а также предложениям и рекомендациям по преодолению этих проблем.

Annotation. This article is devoted to the concept of family (domestic) violence, problems of the international level of violence, gaps in our national legislation, their analysis, as well as proposals and recommendations for overcoming these problems.

Калит сўзлар: хотини (эр), собиқ хотин (собиқ эр), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахс, умумий фарзандга эга бўлган шахс, қасддан шикаст етказиш, шаъни ва кадр-қимматини, таҳқирлаш, кўркитиш, ажратиб қўйиш, таъқиб, жинсий, жисмоний, руҳий, иқтисодий зўравонлик, миллий қонунчилик, халқаро тажриба.

Ключевые слова: жена (муж), бывшая жена (бывший муж), сожитель, общий ребенок, умышленное причинение вреда, унижение чести и достоинству, запугивание, изоляция, притеснение, сексуальное, физическое, психическое, экономическое насилие, национальное законодательство, международный опыт.

Key words: wife (husband), ex-wife (ex-husband), cohabitant, common child, intentional harm, humiliation of honor and dignity, intimidation, isolation, harassment, sexual, physical, mental, economic violence, national legislation, international experience.

КИРИШ: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида зўравонликнинг тўртта тури кўрсатилиб, уларга қуйидагича таъриф берилган:

жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид

қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли; **рухий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки рухий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

иктисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) [1].

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни том маънода оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини олдини олишда туб бурулиш ясади, десак адашмаган бўламиз.

Мазкур қонун имзолангунга қадар, 16 ёшга тўлмаган шахс билан унинг розилиги асосида жинсий алоқада бўлган шахс (айбланувчи) жабрланувчининг ёшини билмаганлигини баҳона қилиб энгилроқ модда билан жавобгарликка тортилар эди. Ушбу қонун билан бундай тоифадаги айбланувчиларнинг жинсий жавобгарликка тортилиши муқаррарлиги таъминланди ва айбланувчи жабрланувчининг ёшини билган-билмаганлигидан қатъий назар Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жинсий жазога тортилиши белгиланди.

Ушбу қонун билан жинсий турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси бир поғона орттирилиб, илгари унча оғир бўлмаган турдаги жиноятлар оғир жиноятлар турига, оғир жиноятлар эса ўта оғир жиноятлар турига киритилди.

Ўз навбатида Жиноят кодексининг 58-моддасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиб, болаларнинг жинсий эркинлигига қарши содир этилган жиноятлар тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятларга тенглаштирилди. Бундай жиноятларни содир этган шахсларга муддатидан олдин шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш тариқасидаги либерал жазолар қўлланилмаслиги қатъий норма билан белгилаб қўйилди.

Ушбу қонун билан, содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган янги нормалар, яъни шахвоний шилқимлик қилиш ҳамда оилавий (маиший) зўравонлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга алоҳида модда билан киритилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41¹-моддасига асосан шахвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатлар тушинилади.[2].

Жиноят кодекси 126¹-модда биринчи қисми диспозициясига кўра, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий

фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш оилавий (маиший) зўравонлик тушунилади [3].

Жиноят кодексининг 126¹-моддаси 1 ва 2-қисмлари маъмурий преюдицияга тааллуқли бўлиб, бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик масаласи шахс маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг такроран шундай хатти-ҳаракатларни содир этсагина кўриб чиқилиши мумкин. Шунингдек, ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган жиноятлар тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни тақозо этади ва содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасига, объектив ва субъектив томонига қараб квалификация қилинади.

Оилавий зўравонлик жиноятларидан жабрланаётганлар юзасидан билдирилган фикрлар айнан бир жинс яъни хотин-қизларга қаратилгани бежиз эмас. Тўғри оилавий зўравонликдан аёл ҳам эркак ҳам жабр кўриши мумкин, лекин таҳлилларга кўра мамлакатимизда оилавий зўравонликдан асосан аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар, қариялар кўпроқ жабр кўрмоқдалар.

Яна статистик маълумотларга эътибор қаратсак. Жинсий шериклари томонидан жинсий ёки жисмоний зўрланишга дучор бўлган (15-49 ёшдаги) аёллар сони 2021 йилда 11 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда 28 тани ташкил этган [4].

Суд органлари томонидан аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ кўрилган жиноят ишлари 2023 йилда 2638 тани ташкил этиб, жиноят ишлари доирасида 3082 нафар аёл жабрланувчи деб топилган [5].

16 ёшга тўлмаган бола билан жинсий муносабатга киришишда айбдор деб топилган шахслар сони 2019 йилда 99 тани, 2020 йилда 153 тани, 2021 йилда 216 тани, 2022 йилда 238 тани ташкил этган.

14 ёшга тўлмаган вояга етмаган билан зўрлик ишлатиб, жинсий алоқа қилиш туридаги жиноятлар сони 2019 йилда 52 тани, 2020 йилда 35 тани, 2021 йилда 57 тани, 2022 йилда эса 73 тани ташкил этган .

2024 йилнинг биринчи чорагида 4477 нафар шахс оиладаги зўравонлик моддалари бўйича жавобгарликка тортилган [6].

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддаси - оиладаги (маиший) зўравонлик бўйича 4343 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, улардан 2344 нафарига жарима жазоси қўлланган, 1999 нафари эса маъмурий қамокқа олинган.

Такрор ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар билан содир этилган оиладаги (маиший) зўравонлик учун 134 нафар шахс Жиноят кодексининг 126¹-моддаси билан судланган, шундан 51 нафарига озодликдан маҳрум қилиш, 83 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Ўтган йил давомида ушбу моддалар бўйича 9131 нафар шахс жавобгарликка тортилган.

2024 йилнинг 1-чорагида 318 киши шахвоний шилқимлик қилишда айбланиб, судланган. Яна 40 киши шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилишда айбдор деб топилган.

Оғзаки жанжал, ҳақорат қилиш, калтаклаш, туҳмат, мол-мулкка қасддан шикаст етказиш ва бошқа ҳолатлар зўравонликнинг оилалардаги энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, зўравон жабрланувчи шахсини таҳқирлаш орқали вазиятни шахсан назорат қилишга интилади. Таъкидлаб ўтиш лозим оғзаки жанжал ва ҳақоратлар ортидан шахсга тан-жароҳати етказиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104, 105, 110-моддалари 1-қисми, 109-моддаси 2-қисми ҳавола этувчи характерга эга бўлиб, ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда шахс юқоридаги моддаларнинг 1-қисми билан жинойий жавобгарликка тортилади.

Яъни Жиноят кодексининг 104, 105, 110-моддалари 1-қисми ҳамда 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятлар шахс шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг ҳамда оилавий зўравонлик оқибаотида келиб чиққан бўлса, Жиноят кодексининг 126¹-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарликка тортилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 59²-моддасига асосан, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкка ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади [7].

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Агар, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган айбдор шахс, худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этса унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 126¹-моддаси 1 ёки 2-қисмлари билан квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон Қарори 3-бандига асосан, Жиноят кодекси 104—110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқади [8].

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади.

Мазкур Қарорнинг 3¹-бандида, баданга қасддан шикаст етказиш хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан етказилган бўлса, қилмиш ЖКнинг 126¹-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади.

Бунда эр-хотин — никоҳи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган шахслар;

собиқ эр-хотин — никоҳи қонунда белгиланган тартибда тугатилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган шахслар;

бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахслар — муайян хонадон ёки уйда эр-хотинлик муносабатларида яшовчи, умумий мол-мулк ва пул маблағларига эгалик қилувчи эркак ҳамда аёл;

умумий фарзандга эга бўлган шахслар — ўзаро муносабатлари натижасида фарзандли бўлган эркак ва аёл тушунилади.

“Зўравонлик” тушунчасининг жинойт ҳуқуқи, криминология ва криминалистика соҳаларида олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар ва берилган хулосаларга таяниб, оилавий зўравонлик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: оилавий зўравонлик – оила аъзоларининг эрки ва қадр-қимматини камситувчи, уларнинг иродасига қарши қаратилган, мунтазам жисмоний, руҳий, иқтисодий, маънавий тазйиқ ўтказиш орқали содир этиладиган ҳуқуққа хилоф, айбли қилмишдир.

Оилавий зўравонлик оиладаги тасодифий жанжал ёки жахл устида бир марта калтаклаш (тан-жароҳати етказиш) оқибатида келиб чиқмайди, ваҳоланки бундай хатти-ҳаракатлар жинойт ҳисобланса-да, оилавий зўравонлик даврий хусусиятга эга бўлиб, узок ва мунтазам давом этади.

Қисқа қилиб айтаганда оилавий (маиший) зўравонлик – доимий зўравонлик, камситиш ва ҳақоратлардан иборат бўлган жараён дир. Бу шундай вазиятқи унда жабрланувчи зўравонга қарам бўлиб, тажовузкор билан биргаликда истиқомат қилишга мажбур бўлади. Оилавий зўравонлик оилада содир бўладиган низоли вазиятлар маҳсулидир.

Ўзбек тилининг изоҳли лўғатида берилган таърифга кўра: “оила деганда- эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадон”, “уй-жой деганда - яшаб, истиқомат қилинадиган жой, ҳовли”, “уй-рўзгор деганда - оила хўжалиги (ишлари), тирикчилик” тушунилади [9].

“Уй”, “оила”, “рўзгор” тушунчаларининг мазмунини ҳамда туб моҳиятини таҳлил қила туриб, қонунан ажрашган эр-хотиннинг турли вазиятлар ва иқтисодий шарт-шароитлар сабабли бир хонадонда яшашга мажбур бўлиши ва (ёки) эр-хотин яшаётган хонадонда, уйда, ҳовлида уларнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглисининг) ҳам биргаликда истиқомат қилиши уларнинг оилавий зўравонликдан жабр кўриш эҳтимоли ва хавфи юқори иштирокчилар сифатида баҳолаш учун асос бўлади деб, ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига жиний мақсадга эришиш учун зўравонлик йўли билан амалга ошириладиган жинойтларга қуйидагича тавсиф берилган:

- қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми, 2-қисми “б”, “в”, “ж”, “з”, “о” бандлари);

- ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖКнинг 103-моддаси “а” ва “б” бандлари);

- ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (ЖКнинг 103¹-модда “а” банди);

- қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-моддаси 1-қисми “а, в” бандлари, 2-қисми “д” банди);
- қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-моддаси 1-қисми, 2-қисми “а, б, г” бандлари);
- қийнаш (ЖКнинг 110-моддаси);
- жиноий равишда ҳомила тушириш (ЖКнинг 114-моддаси);
- аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (ЖКнинг 115-моддаси);
- номусга тегиш (ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми, 2-қисми “г ва д” бандлари, 3-қисми “а, б, в” бандлари);
- жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (ЖКнинг 119-моддаси 1-қисми, 2-қисми “г” ва “д” бандлари, 3-қисми “а”, “б” “в” бандлари);
- кўп хотинли бўлиш (ЖКнинг 126-моддаси);
- оилавий (маиший) зўравонлик (ЖКнинг 126¹-моддаси);
- туҳмат (ЖКнинг 139-моддаси);
- ҳақорат (ЖКнинг 140-моддаси).

Миллий қонунчилигимиз ва халқаро тажрибани таҳлил қилган ҳолда биз зўравонликнинг куйидаги турларини белгилаб ўтмоқчимиз:

1. Жисмоний зўравонлик - бу бошқа шахсга қаратилган ҳар қандай жисмоний зўравонлик ҳаракати.

2. Жинсий зўравонлик – шахснинг жинсий дахлсизлигига, психосексуал ривожланишига таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар.

3. Зўравонлик билан таҳдид қилиш – оила аъзоларига, яъни хотини (эрига), фарзандларига, оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан тан-жароҳати етказиш ёки ўлдириш билан таҳдид қилиш.

4. Руҳий зўравонлик – ғазаб, кўрқув, руҳий тушкунлик ва ишончсизлик ҳиссининг пайдо бўлишига, ўзини жисмоний, жинсий, иқтисодий ёки кейинги руҳий зўравонликдан химоя қила олмасликка олиб келадиган зўравонлик.

5. Иқтисодий зўравонлик – қарамоғи остидаги хотинни (эрни), оила аъзоларини қасддан, шунингдек ғараз масадларни кўзлаган ҳолда молиявий ва моддий таъминламаслик.

Оиладаги (маиший) зўравонлик икки хил кўринишда номоён бўлиши мумкин:

1. Оилавий (маиший) зўравонликнинг жиноий кўриниши, яъни қонунчиликда зўравонликнинг жиноят сифатида белгиланган кўринишидир. Ўз навбатида қонунчиликда иккита ҳолатда оила аъзосининг бири томонидан иккинчисига нисбатан хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, содир этилган жиноят оилавий зўравонлик сифатида малакаланади (ЖКнинг 126¹-моддаси);

- **қасддан баданга енгил шикаст етказиш**, соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортик, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса (ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми);

- **қасддан баданга оғир шикаст етказиш**, содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса ва ушбу кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса (ЖКнинг 104-моддаси);

- **қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш**, содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса (ЖКнинг 105-моддаси);

- **қийнаш**, муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, агар ушбу Кодекснинг 104, 105-моддаларида, 126¹-моддасининг тўртинчи — саккизинчи қисмларида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлса (ЖКнинг 110-моддаси).

Шахсга қарши жиноятларнинг қолган барча кўриниши қонун чиқарувчи томонидан оила доирасида содир этиладиган жиноят сифатида тавсифланмаган.

Юқоридагиларга асосан Жиноят кодексининг фақат 104, 105, 109, 110, 126¹-моддалари билан оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини тор доирада малакалаш назаримизда мақсадга мувофиқ эмас. Оилавий зўравонлик шахсга қарши жиноятларнинг ҳар қандай кўринишида намоён бўлишини инobatга олган ҳолда, бундай жиноятлар учун жавобгарликнинг таъсир доирасини кенгайтириш, жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

2. Оилавий (маиший) зўравонликнинг жинoий бўлмаган кўриниши, яъни Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган оқибатларни келтириб чиқармайдиган, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс доирасида ҳал қилиниши мумкин бўлган зўравонлик. Ўз навбатида шахснинг бундай хатти-ҳаракатларни у маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг такроран содир этиши жинoий жавобгарликни келтириб чиқаради. (ЖК 126¹-моддаси 1 ва 2-қисмлари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддаси).

Юридик фанлари доктори, профессор Х.А.Каримов “Жиноят кодексига маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация қилиш муаммолари” номли мақоласида “...шахс белгиси қилмишни жиноят сифатида асослашга сабаб бўлмаслиги кераклигини, чунки қилмишнинг моҳияти, унинг табиати, ижтимоий хавфлилиги шахсга қараб ўзгариб қолмаслигини, қилмиш ўша-ўша фақат шахс илгари шу қилмиши учун маъмурий жазога тортилганлигини, шахсни мазкур қилмишни бир йил ичида яна такроран содир этиши

маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқлигини” таъкидлайди [10].

Шахсни Жиноят кодексининг 126¹-моддаси 1 ва 2-қисмларида кўрсатилган жиноятни содир этган деб топиш учун, у худди шундай хатти-ҳаракати учун муқаддам маъмурий жазога тортилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 37-моддасига асосан (тугаганидан сўнг шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат) башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, оилавий (маиший) зўравонлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддасига асосан маъмурий жазога қўлланилган шахс, жазо муддатини ўтагач бир йилдан кейин маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади.

Энди тасаввур қилиб кўринг, оилавий зўравонлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс жазони ўтаб бўлгач бир йилдан сўнг маъмурий жавобгарликка тортилмаган деб ҳисобланса, ҳуқуқбузар қонуннинг ушбу бўшлиғидан фойдаланиб, яъни бир йилдан сўнг жиноий жавобгарликка тортилмаслигини англаган ҳолда такрор ва такрор маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи оилавий зўравонликка йўл қўймайдими?

Мисол учун, Бекободлик аёлни ҳимоя ордерлари ҳам ҳимоя қила олмади – у зўравонлик қурбони бўлди [11].

Турмуш ўртоғи томонидан мутассил руҳий ва жисмоний таҳқирлаб келинган Тошкент вилоятининг Бекобод туманида 1996 йилда туғилган 28 ёшли аёл 2024 йил 27 март куни 5-қаватдан тушиб кетиб, вафот этган.

Kun.uz’да берилган мақолада, ҳолат 27 март куни кечки соат 21:30 лар атрофида ижарага олинган уйда содир бўлганлиги келтириб ўтилган. Ҳодиса гувоҳи бўлган қўшниларга кўра, аёл пастга тушиб кетиши олдида “Яшашни истамайман, калтакларингдан тўйиб кетдим”, дея бақирган. Қўшнилар ёрдам бериш мақсадида хонадонга югуриб чиқишган. Аммо хонадон эшиги қулфланган бўлган.

Аёлга уч марта, сўнгги бор 2024 йилнинг 6 март куни ҳимоя ордери берилган. Унда келтирилишича, тазйиқ ўтказилган ёки зўравонлик содир этилган тақдирда эр ва аёлнинг бир хонадонда бўлиши тақиқланган.

Олим Х.Каримовнинг фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда Жиноят кодексининг 126¹-моддаси 1 ва 2-қисмларидан маъмурий преюдицияга тааллуқлилиқни чиқариб ташлаш фикримизча асослидир.

Дарҳақиқат, бугунги замонавий давр ҳамда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида қаралаётган жамиятимизда оиладаги зўравонлик жиноятларини олдини олиш ва уларга барҳам бериш асосий вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим.

Зеро, оила тинчлиги - баркамол ва соғлом авлод келажаги учун энг муҳим пойдеворлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1) Ўзбекистон Республикасининг [Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни \(lex.uz\)](#);

2) 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (lex.uz);

- 3) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, <http://Lex.uz.;>
- 4) <http://stat.uz;>
- 5) <https://stat.sud.uz;>
- 6) <https://t.me/oliysuduz;>
- 7) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (lex.uz);
- 8) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон Қарори;
- 9) <https://izoh.uz/uz;>
- 10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси ахборотномаси, №1 (45) 2021, 30-34 б;
- 11) Бекободлик аёлни ҳимоя ордерлари ҳам ҳимоя қила олмади – у зўравонлик қурбони бўлди (kun.uz).

THE TECHNICAL CONDITION OF THE ELEMENTS OF THE UPPER STRUCTURE OF THE PATH OF HIGH-SPEED HIGHWAYS

Makhamajanov Shukhratjon Shavkat ugli, Umaraliev Shahjahan Mukhammadrozi ugli, Tadjibaev Sherzod Amirkulovich, Abdualiev Elyorbek Begali ugli.

Annotation. The article presents the technical parameters of high-speed highways under several conditions, their use and requirements for the path. The elements of the upper structure of the track used on the HSR and data on train safety are described.

Keywords: HSR, rail, whip, fastening, ballast layer.

Rails with a running weight of at least 60 kg are used on the HSR, welded together (joint-less track) in long and extra-long lashes. Rails are subject to increased requirements in terms of their strength characteristics and straightness. The curvature of the rails in the vertical and horizontal planes should not exceed 0.3 mm based on a measurement of 1.5 m [1].

The rail lashes of the jointless track must be welded from new short rail lashes or P65 rails with a length of at least 23.5 m of category B, T1, meeting the requirements [2]. Long-length lashes are delivered to the place of laying on the way by trains from special platforms (Fig. 1).



Fig. 1. Transportation of rail lashes to the installation site

As on conventional railways, on the HSR, the connection of rails with a sub-rail base - sleepers or reinforced concrete slabs, is carried out by rail fasteners. On high-speed highways, they must meet the requirements of ensuring a normalized elastic connection (degree of compression) of rails with a sub-rail base and damping of force influences in the wheel-rail system, be reliable, durable, suitable for mechanized installation, convenient for maintenance and repair of the track.

To date, various types of elastic fasteners are used on railways in the world (Fig. 2), fasteners with bar terminals have become widespread: bolt-free anchor of the Pandrol company and screw-dowel companies of the Vossloh company. Bar terminals have high strength and rigidity, are reliable, maintain track stability, and are relatively protected from vandalism.

The intermediate fastening should ensure stable vertical pressing of the rail to the base with a force of at least 20 kN, the resistance to longitudinal shear of the rail in the fastening node should be at least 12.5 kN [3].

The recorded speed record for electric trains – 574.8 km/h (2007 France) was set on a railway track with “Pandrol-Fastklip” type fasteners.




Fig. 2. Elastic rail fasteners for reinforced concrete sleepers: the anchor bond “Pandrol” and the bond “Vossloh”.

Currently, two structures of the upper structure of the track have been used on high-speed railways: a rail sleeper with reinforced concrete sleepers laid on ballast and a reinforced concrete sub-rail base.

With the traditional type of under-rail base using ballast, the rails are laid on reinforced concrete sleepers. Reinforced concrete sleepers with a plot of 1,840 pieces per 1 km should be laid on the way. The rail grating is laid on a 35-40 cm thick ballast layer of crushed stone (granite, basalt, diabase) with a fraction size of 25-60 mm.

Sleepers are laid on a layer of crushed stone with a thickness of 35-40 cm, usually consisting of fractions of 25-60 mm. A pillow with a thickness of at least 15 cm is arranged under the rubble from a sand-gravel mixture or crushed stone of a fraction of 5-25 mm. Instead of a pillow, a protective layer of polymer materials can be laid. The shoulder of the ballast prism is at least 45 cm, the slope is 1:1.5.

The upper structure of the track in high-speed traffic must meet the certification requirements for the HSR and, above all, strength, stability, reliability, ecological balance, and traffic safety [4].

At high speeds, the problem of vibrations caused by the interaction of rolling stock and track, and the resulting vibration fluctuations in the ballast layer, becomes urgent. When solving this problem, it becomes necessary to study the demifying properties of the upper structure of the path, the correct selection and ratio of the stiffness of the path elements, the determination of the dynamic modulus of elasticity and its dependence on frequency characteristics, and the establishment of the structure of the formation of disturbing factors.

The dynamic parameters of the track – stiffness and damping – have a direct impact on the propagation of noise, the stability of the track gauge and the smoothness of the rolling stock.

An important role in ensuring the stability of the track is played by the use of modern ballast sealing machines, which reduce residual deformations by 15-20% and smooth out their unevenness. It should also be noted that the sealing of ballast in sleeper boxes increases the resistance of the path to transverse shear and improves the dynamic characteristics of the path in the horizontal plane.

Due to the special importance of the dynamics of interaction between track and rolling stock in high-speed traffic, especially in the horizontal plane, the standards for the design, construction and operation of high-speed railways and conventional railways differ significantly, as well as the organization of repair and maintenance of the track.

Literature

1. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Нарбаева Муяссар Шавкат кизи ТЕХНИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ВЕРХНЕГО СТРОЕНИЯ ПУТИ ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ МАГИСТРАЛЕЙ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 104-106 с.

2. Fayzullaxudjavich E. F. et al. 1.2 NEW USES OF CULVERT IN RAILWAY TRACK //SHINE-AEB GROUP. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 7-10.

3. Begali o'g'li A. E. et al. 1.5 THE INNOVATIVE TECHNOLOGY OF USING DRONES IN MODERN CONSTRUCTION IN THE WORLD //SHINE-AEB GROUP. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 19-22.

4. Begali o'g'li A. E., Muhammadrozi o'g'li U. S., Ulug'bekovich R. I. N. S. 1.1 MEASURES TO STRENGTHEN THE HIGH-SPEED RAIL LINE LAND BASE //SHINE-AEB GROUP. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 3-6.

5. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Аяпбергенова Насиба Бахрам кизи ТЕХНИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ЗЕМЛЯНОГО ПОЛОТНА ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 107-110 с.

6. Muhammadrozi o'g'li U. S. et al. 1.2 DIAGNOSTICS OF THE ROADBED IN THE RAILWAY TRACK IN UZBEKISTAN //International Shine-AEB Scientific Journal. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 7-11.

7. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Холмирзаев Шаврук Абдижаббор угли ОСНОВНЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К КОНСТРУКЦИЯМ БЕССТЫКОВОГО ПУТИ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 111-113 с.

8. Begali o'g'li A. E. et al. 1.8 TOPOGRAPHIC SURVEY USING SATELLITE TECHNOLOGIES IN THE //International Shine-AEB Scientific Journal. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 29-33.

9. Abdualiyev, E. B., & Mirxanova, M. M. (2022). STUDIES OF THE INFLUENCE OF CULVERTS ON THE UPPER STRUCTURE OF THE PATH. Results of National Scientific Research International Journal, 1(9), 479-483.

10. Abdualiev, E. B., Khamidov, M. K., & Eshonov, F. F. (2022). STUDIES OF THE INFLUENCE OF CULVERTS ON THE UPPER STRUCTURE OF THE TRACK ON THE SECTIONS OF HIGH-SPEED AND HIGH-SPEED TRAIN TRAFFIC OF JSC" UZBEKISTON TEMIR YO'LLARI". Results of National Scientific Research International Journal, 1(9), 484-488.

11. Abdualiyev E.B., Eshonov F.F. New uses of culvert Architecture.Construction. Design Taxi, Issue 2, 2020 year 149-152p.

12. Abdualiev E. B., Embergenov A. B. /Case of waterproofing pipes on railways/ skills of the 21st century for professional activity /volume 2/Tashkent 2021/2/15/ 184-185 p.

13. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Гиёсиддинов Бакиржон Фарохиддин угли ОСОБЕННОСТИ КОНСТРУКЦИИ БЕССТЫКОВОГО ПУТИ НА МОСТАХ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 114-117 с.

**TERGOVGA QADAR TEKSHIRUV BOSQICHIGA JINOYAT-PROTSESSUAL
JIHATIDAN YONDASHUV HAMDA NAZARIY QARASHLAR.***Ibadullayev Islom Boboxon o'g'li**O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi "Tergov faoliyati"
yo'nalishi bo'yicha magistratura tinglovchisi.**E-mail: islom.ibadullayev@gmail.com**Tel: +99893 038-75-57*

Annotatsiya. Mazkur maqolamizda O'zbekiston Respublikasi jinoyat-protsessual qonunchiligida yangi institut bo'lib hisoblanuvchi tergovga qadar tekshiruv bosqichi haqida o'zbek olimlarining ilmiy qarashlari hamda ularga o'z fikrlarimiz orqali bildirgan munosabatlarimiz aks etgan.

Kalit so'zlar: ishni sudga qadar yuritish, jinoyat ishi qo'zg'atish, jinoyat ishi qo'zg'atishni rad etish, tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov, protsessual majburlov choralari, protsessual harakatlar, tergov harakatlari, qamoqqa olish, uy qamog'i qo'llash, garov.

Аннотация. В данной статье отражены научные взгляды узбекских учёных на стадий доследственной проверки, которая считается новым институтом в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан, а также наши отношение к ним, выраженные через свои мнения.

Ключевые слова: расследование уголовного дела до суда, возбуждение уголовного дела, отказ в возбуждении уголовного дела, доследственная проверка, дознание, предварительное следствие, меры процессуального принуждения, процессуальные действия, следственные действия, задержание, применение домашнего ареста, залога.

Annotation. This article reflects the scientific views of Uzbek scientists on the stages of pre-investigation verification, which is considered a new institution in the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as our attitude towards them, expressed through our opinions.

Key words: investigation of a criminal case before trial, initiation of a criminal case, refusal to initiate a criminal case, pre-investigation check, inquiry, preliminary investigation, measures of procedural coercion, procedural actions, investigative actions, detention, application of house arrest, bail.

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasida har qanday jinoyat haqidagi ariza ham, xabar va boshqa ko'rinishdagi ma'lumotlar ham ishni sudga qadar yuritish shakllaridan biri bo'lmish tergovga qadar tekshiruv bosqichida tekshirib chiqiladi, bundan darhol jinoyat ishi qo'zg'atiladigan hollar mustasno. Bunday tartib jinoyat-protsessual qonunchiligiga 2017-yildan boshlab kiritilgan bo'lib, shunga qadar bu bosqich surishtiruv bosqichi sifatida belgilangan edi.

2017-yil 6-sentabr kuni "Surishtiruv instituti takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonun qabul qilindi. Qonun bilan Jinoyat-protsessual kodeksiga bir necha o'nta o'zgartish va qo'shimchalar kiritilib, jinoiy-huquqiy sohada sezilarli yangiliklar amalga oshirildi. Shulardan eng ko'zga ko'ringan yangiliklardan biri sifatida ishni sudga qadar yuritish bosqichidagi islohotlarni aytishimiz mumkin. Qonun qabul qilinguniga qadar "surishtiruv" deb nomlanuvchi jinoyat-protsessual bosqich o'z nomini "tergovga qadar tekshiruv" bosqichiga o'zgartirib, surishtiruvning o'zi esa dastlabki tergov bilan bir qatorda jinoyatlarni tergov qilish shakllari qatoridan o'rin oldi. Aniqroq tartib bilan aytadigan bo'lsak, ishni sudga qadar yuritish bosqichi o'z o'rnida uchta shaklga ega bo'ldi.

Birinchisi, tergovga qadar tekshiruv shakli bo'lib, jinoyatga oid arizalar, xabarlar va boshqa ma'lumotlar ro'yxatga olinganidan to jinoyat ishini qo'zg'atish haqidagi yoki jinoyat ishi qo'zg'atishni rad etish haqidagi qaror qabul qilinguniga qadar bo'lgan jarayonni nazarda tutadi.

Ikkinchisi, surishtiruv shakli bo'lib, jinoyat ishi qo'zg'atish haqidagi qaror qabul qilinganidan so'ng bir oylik muddat ichida ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan jinoyatlarni tergov qilishni va yakuniy qaror qabul qilishni nazarda tutadi.

Uchinchisi, dastlabki tergov shakli bo'lib, jinoyat ishi qo'zg'atish haqidagi qaror qabul qilinganidan so'ng uch oylik muddat ichida uncha og'ir bo'lmagan, og'ir va o'ta og'ir jinoyatlarni tergov qilishni va yakuniy qaror qabul qilishni nazarda tutadi.

Mualliflar jamoasining fikriga ko'ra, yuqorida sanab o'tilganlarning uchasi ham jinoyat-protsessual faoliyatning o'zaro turdosh usullari hisoblanadi. Ularning har biri o'zaro bir-biri bilan munosabatlarga ega bo'lib, ushbu munosabatlarning umumiy va farqli jihatlari mavjud. Umumiy jihatlari to'xtaladigan bo'lsak, ularni barchasi jinoyatchilikka qarshi kurashishdan iborat yagona maqsadga ega, faoliyatning faqat jinoyat va jinoyat-protsessual qonun hujjatlari asosida amalga oshirilishi, aniq faktlarning teng daliliy ahamiyatga ega ekanligi, o'tkaziladigan protsessual va tergov harakatlari yagona protsessual shaklda namoyon bo'lishi va boshqalar. Bu o'rinda mualliflar uchta bosqichning farqli jihatlari to'xtalib o'tishmagan. Bizning fikrimizga ko'ra, uchta bosqichning eng asosiy farqli jihati, bu mazkur bosqichlar bilan shug'ullanish uchun vakolat berilgan jinoyat-protsessual faoliyat bilan shug'ullanuvchi mansabdor shaxslarning boshqa-boshqaligidir. Jinoyat-protsessual kodeksining 3202-moddasi talablariga muvofiq tergovga qadar tekshiruvni tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organ mansabdor shaxsi, shuningdek, surishtiruvchi, tergovchi va prokuror ham olib borishi mumkin. Surishtiruvni surishtiruvchi, lozim hollarda tergovchi va prokuror olib boradi. Dastlabki tergov esa faqat tergovchi va prokuror tomonidan olib borilishi mumkin. Qolaversa, farqli jihatlaridan yana biri shuki, ularni o'tkazish muddati turlicha va bir-biridan juda katta muddatlarga farqlanadi, belgilangan muddatlar xususida yuqorida ham to'xtalib o'tganmiz. Yana bir farqli jihati, tergovga qadar tekshiruv davrida amalga oshirilishi mumkin bo'lgan protsessual va tergov harakatlarining qamrovi juda qisqa bo'lib, surishtiruv va dastlabki tergov bosqichlaridagi kabi haqiqatni aniqlash va holatga oydinlik kiritishga to'liq imkoniyat mavjud emas.

Tergovga qadar tekshiruv jinoyat-protsessining boshlang'ich bosqichi bo'lib, unda jinoyatlar to'g'risidagi arizalar, xabarlar va boshqa ma'lumotlar tekshiriladi va jinoyat ishini qo'zg'atish yoki qo'zg'atmaslik masalasi hal etiladi. Ushbu bosqichda jinoiy qilmishlar natijasida jabrlangan fuqarolarning qonuniy manfaatlarini muhofaza qilishni amalga oshirish jarayoni boshlanadi.

Tergovga qadar tekshiruv – serqirra tushuncha bo'lib, uni amalga oshirish jarayonida jinoyat ishini qo'zg'atish, uni qo'zg'atishni rad etish masalalari hal etiladi¹². Shuningdek, tergovga qadar tekshiruv – to'plangan materiallar yuzasidan jinoiy qilmish mavjudligi yoki yo'qligini aniqlashga yo'naltirilgan tergov harakatlarini amalga oshirishning huquqiy asosi bo'lib, jinoyat ishi qo'zg'atilishi haqidagi masalaning yechilishi tartibini belgilovchi protsessual me'yorlar

¹² Yuridik ensiklopediya / Yuridik fanlar doktori, professor U.Tadjixanovning umumiy tahririda – T.: Sharq, 2001 – B.156-157

yig'indisini tashkil qiladi. Tergovga qadar tekshiruv bosqichidagi protsessual faoliyat JPKda belgilab qo'yilgan mansabdor shaxs (tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organ mansabdor shaxsi, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror)lar tomonidan amalga oshiriladi hamda mazkur jarayon belgilangan sharoitlarda va maxsus protsessual shakllarda yuritiladi. Jinoyat protsessining ushbu shaklida kelib tushgan ariza, xabar yoki shikoyat bo'yicha to'plangan materiallar yuzasidan keyinchalik amalga oshiriladigan harakatlarning yo'nalishini belgilovchi aniq protsessual qaror bilan yakunlanadi. Jinoyat ishini qo'zg'atish haqidagi masalaning yechimi – dastlabki tergovning umumiy vazifalarini bajarishga xizmat qiladi. O'z navbatida, bu bosqichda jinoyat-protsessual qonun hujjatlarining vazifalari, ya'ni jinoyatlarni tez va to'la ochish, jinoyat sodir etgan har bir shaxs javobgarlikka tortilishi va unga nisbatan sud adolatli hukm chiqarishi uchun aybdorlarni fosh etishdan hamda qonunning to'g'ri tatbiq etilishini taxminlash ham amalga oshirilishini alohida ta'kidlash kerak.

Bu jarayon davomida tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organlar, surishtiruvchi, tergovchi va prokuror jinoyat ishini qo'zg'atish uchun qonunda belgilangan shartlar mavjudligini tekshiradi hamda jinoyatning oldini olish, uning sodir etilishini to'xtatish, shuningdek, uning izlarini belgilangan protsessual shaklda saqlash va mustahkamlashning tezkor choralarini qabul qiladi.

Shunday qilib, tergovga qadar tekshiruvda ayrim tergov harakatlari o'tkaziladi va qator protsessual hujjatlar rasmiylashtiriladi. Mazkur bosqichda jinoyat haqida arz qilgan shaxs, dastlabki tergovni amalga oshiruvchi organ, surishtiruvchi, tergovchi yoki prokuror, shuningdek jamoatchilik vakillari kabi surishtiruv va dastlabki tergovdagi protsess qatnashchilarining vujudga kelishi jarayoni yuz beradi¹³. Mualliflarning mazkur fikrlariga biroz qo'shimcha izoh berib o'tish lozim bo'ladi. Tergovga qadar tekshiruv bosqichini amalga oshirgan organ doim ham jinoyat ishi qo'zg'atilganidan keyin surishtiruvni yoki dastlabki tergovni amalga oshiravermaydi, bu tergovga tegishlilik qoidasidan yoki boshqa biror sababdan bo'lishi mumkin, shuning uchun tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirgan organ kelgusida ham mazkur ish bo'yicha ishtirokchiga aylanavermaydi. Shuningdek, jinoyat haqida arz qilgan shaxs kelgusida doim ham ish bo'yicha jabrlanuvchi, fuqaroviy da'vogar bo'lavermaydi, chunki shaxs ba'zi hollarda huquqlarni o'ziniki deb noto'g'ri talqin qilishi, ba'zi hollarda esa atayin yolg'on xabarlar bilan vaziyatni o'z foydasiga hal qilishga urinishi mumkin, bu hollarda esa mazkur shaxs jinoyat ishi qo'zg'atilgandan keyin umuman protsess ishtirokchisi bo'lmay qolishi yoki o'zi javobgar shaxsga aylanib qolishi mumkin. Shuningdek, Jinoyat-protsessual kodeksining 76-moddasida surishtiruvchi, tergovchi va prokurorning ishda ishtirok etishiga monelik qiladigan holatlar ko'rsatilgan bo'lib, mazkur holatlar sababidan jinoyat ishi qo'zg'atilgandan keyin mansabdor shaxs ham mazkur ishda ishtirokchi bo'lmay qolishi mumkin.

B.N.Rashidovning fikriga ko'ra, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror va sudning jinoyatchilikka qarshi kurash vazifalarini muvaffaqiyatli hal etishi ko'p jihatdan ish yurituvning to'g'ri va o'z vaqtida boshlanishi va amalga oshirilishiga bog'liq. Ishni sudga qadar yuritish – jinoyat protsessining dastlabki bosqichlarini qamrab oladi. Bunda tergovga qadar tekshiruv,

¹³ Jinoyat-protsessual huquqi. Maxsus qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi: Pulatov B.X., Mirazov D.M., Saxaddinov S.M., Tuxtasheva U.A. va b.sh. – Toshkent: TDYuU nashriyoti, 2019. – 418 bet.

jinoyat ishini qo'zg'atish va jinoyat ishini tergov qilish bosqichlari JPKning 2-moddasida ko'rsatilgan umumiy vazifalarni bajarishga xizmat qiladi. Lekin, bundan tashqari, u mustaqil vazifaga – jinoyat ishini qo'zg'atish haqidagi masalani hal qilish, jinoyat ishini har tomonlama va xolisona tergov qilish vazifalariga ham ega.

Ishni sudga qadar yuritish jinoyat haqidagi ariza va xabarlarni qabul qilishdan boshlanadi va jinoyat ishi sudga yuborilgunga yoki ishni tugatish haqida qaror chiqarilguniga qadar davom etadi. Biz B.N.Rashidovning bu fikriga qo'shilmagan holda, quyidagi fikrlarni qo'shimcha va tuzatish sifatida ilgari suramiz, ya'ni ishni sudga qadar yuritish bosqichi haqida tushuncha berayotganda umumiy qarashlar va tushunchalardan yiroq bo'lgan holda, ishni sudga qadar yuritishning uchta bosqichi haqida individual yondashib mulohaza qilish lozim. Sababi shuki, tergovga qadar tekshiruv bosqichi jinoyat haqidagi ariza, xabar yoki boshqa ma'lumotlar qabul qilinganidan so'ng boshlanishi to'g'ri ma'lumot, lekin uni yakuni, B.N.Rashidov aytganidek, jinoyat ishi sudga yuborilishi bilan yoki ishni tugatish haqida qaror chiqarilishi bilan emas, balki jinoyat ishi qo'zg'atish, jinoyat ishi qo'zg'atishni rad etish va murojaatni tegishliligi bo'yicha yuborish bilan yakunlanadi. Surishtiruv va dastlabki tergovning yakuni esa, B.N.Rashidov aytganidek, jinoyat ishi sudga yuborilishi bilan yoki ishni tugatish haqida qaror chiqarilishi bilan tugashi mumkin, ammo ularni boshlanishi ariza, xabar yoki boshqa ma'lumot qabul qilish bilan emas, balki jinoyat ishi qo'zg'atish to'g'risidagi qarorni qabul qilish bilan boshlanadi.

Ishni sudga qadar yuritish tergovga qadar tekshiruv organi mansabdor shaxsi, surishtiruvchi, tergovchi va prokurorlarning jinoyatlarni o'z vaqtida aniqlash, tez va to'la ochish, jinoyat sodir etgan shaxslarning aybini isbotlash, shuningdek, jinoyatning sabablari va uning sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarni aniqlash, ularni bartaraf etish choralarini ko'rish, jinoyat natijasida yetkazilgan mulkiy zararining qoplanishini ta'minlash choralarini ko'rish, jabrlanuvchining jinoyat natijasida buzilgan huquqlarini tiklash, shaxs, davlat va jamiyat manfaatlarini muhofaza qilishga qaratilgan protsessual faoliyatdir¹⁴. B.N.Rashidovning bu fikriga munosabatimiz shuki, bu ta'rifni berayotganda sudyalarni ham ushbu protsessual faoliyatda boshqa mas'ul mansabdor shaxslar qatorida birdek sanab o'tish darkor. Chunki ishni sudga qadar yuritish bosqichida ham qo'llanilishi mumkin va lozim bo'lgan ba'zi protsessual majburlor choralarini va o'tkaziladigan tergov harakatlarini sudyalarning ishtirokisiz hamda ajrimisiz amalga oshirish mumkin emas. Sudyalar esa, o'z navbatida, jabrlanuvchining jinoyat natijasida buzilgan huquqlarini tiklash, shaxs, davlat va jamiyat manfaatlarini muhofaza qilish, jinoyat natijasida yetkazilgan mulkiy zararining qoplanishini ta'minlash choralarini ko'rish maqsadida ushlab turish muddatini uzaytirish haqida, qamoqqa olish haqida, uy qamog'ini qo'llash haqida, mol-mulkni musodara qilish haqida, tegishli hollarda garov ehtiyot chorasini qo'llash haqida va boshqalar haqida ajrimlar chiqarishi mumkin, ko'rsatuvlarni oldindan mustahkamlab qo'yishda va boshqa harakatlarda ishtirok etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Yuridik ensiklopediya / Yuridik fanlar doktori, professor U.Tadjixanovning umumiy tahririda – T.: Sharq, 2001 – B.156-157

¹⁴ Jinoyat-protsessual huquq: Darslik // D.Mirazov, B.Rashidov, Sh.Kulmatov va bosh. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2019. -333 b.

2. Jinoyat-protsessual huquqi. Maxsus qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi: Pulatov B.X., Mirazov D.M., Saxaddinov S.M., Tuxtasheva U.A. va b.sh. – Toshkent: TDYuU nashriyoti, 2019. – 418 bet.
3. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik // D.Mirazov, B.Rashidov, Sh.Kulmatov va bosh. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2019. -333 b.

TECHNICAL PARAMETERS OF THE ROADBED OF HIGH-SPEED RAILWAYS

**Makhamajanov Shukhratjon Shavkat ugli, Umaraliev Shahjahan Mukhammadrozi ugli,
Tadjibaev Sherzod Amirkulovich, Abdualiev Elyorbek Begali ugli.**

Annotation. The article presents the technical parameters of the roadbed of high-speed highways according to several requirements and their design in size. The elements of the lower structure of the track used on the HSR and geomaterials to ensure the strength and stability of soils are described.

Keywords: HSR, roadbed, embankment, excavation, soil.

The roadbed of high-speed railways is subject to increased requirements in terms of its strength, stability, minimum deformability and durability [1]. The dimensions of the cross-section of the roadbed and, consequently, the volume of excavation work during the construction of the HSR are largely determined by the distance between the axes of the main tracks (inter-track). In order to reduce the aerodynamic impact of oncoming trains on each other, the distance between the axes of the main tracks on the HSR is increased. On conventional railways, it is about 4 m (in Russia, for example, 4.1 m), and on HSR it is assumed to be 4.7-4.8 m (in different countries). At the same time, the width of the main platform reaches 13 m or more.

The roadbed of high-speed railways is arranged in the form of embankments or recesses and includes protective layers, the main body and drainage structures. For the construction of the roadbed on the HSR, rocky, clastic and gravelly soils are used. The best rock soils include granites, diorites, basalts and porphyrites. In addition to these, clay soils of solid and semi-solid consistency and sandy ones can be used. The elastic sediment of the main site of the roadbed under the action of a moving load should not exceed 1.5 mm. Technical requirements for reliable operation of the HSR web are ensured by high quality construction work, in particular, mandatory layer-by-layer filling and compaction of soil over the entire width of the roadbed, as well as constant quality control of work. The construction of the HSR roadbed is carried out using modern construction and road machinery. The set of machines, as part of the units that carry out the filling of the roadbed during the construction of the HSR, includes bulldozers of various capacities, scrapers, dump trucks and tractors with dump trucks, graders, rollers, including vibratory, excavators and mechanical shovels (Fig.1).



Fig. 1. Construction of the earthwork of high-speed railways

If the soil of the main body of the embankment roadbed or the soil at the level of the main site of the excavation roadbed does not have the required requirements for the soil of the roadbed, then a protective layer of unrelated, non-porous soils is poured off. Geotextile is laid on the

boundary of the soil of the body of the roadbed and the protective layer (Fig. 2) – woven or non-woven permeable synthetic material made of polyester or polypropylene, bonded mechanically, thermally, etc. in a way that allows water to pass well, but does not allow small soil particles to pass through.



Fig. 2. Laying geotextiles and geogrid

The upper part of the body of the roadbed is actually a protective layer, in a particular case it may be an embankment, a zero place, a recess. The device of this layer can be carried out according to one of two options [2]. The first option. The soil of the main body of the embankment (or the local soil at the level of the bottom of the excavation) does not have the necessary bearing capacity and does not meet the requirements for the soils of the roadbed in terms of quality. In this case, the upper part of the roadbed is an additional protective layer. The second option. The soil of the main body of the embankment (or local soil at the level of the bottom of the excavation) provides the necessary bearing capacity of the roadbed and, in terms of quality, meets the requirements for the soils of the protective layer. In this case, it is called an ordinary protective layer, and the soils composing it must be additionally compacted and have a compaction coefficient of at least 95% of the maximum.




Fig. 3. An embankment up to 8 m high of coarse-grained soils, gravelly sands, large and medium-sized: 1 – ballast prism, 2 - embankment soils, 3 - soil-vegetation layer replacement soils




Fig. 4. Excavation up to 12 m deep in clay soils: 1 – ballast prism, 2 – protective layer, 3 – geotextile.

The roadbed of high-speed railways must meet the following operational requirements [3]:

- to ensure long-term operation with the passage of modern and promising types of rolling stock, for high-speed train traffic and estimated load capacity.

- be maintainable.

- be equally reliable in length, regardless of the type of soil used and the natural state of the base.

- before the introduction of high-speed traffic on the line, all existing defects and deformations of the roadbed must be eliminated.

- reconstruction of the roadbed should be carried out on the basis of the results of engineering-geological, engineering-geodetic, engineering-hydrometeorological and hydrological surveys. In difficult conditions, hydrogeological and other types of surveys should additionally be carried out, as well as full-scale surveys of the deformative properties of the foundation soils.

The bearing capacity of soils and the stability of the entire structure of the roadbed must be ensured at the lowest cost and the least damage to the natural environment.

Literature

1. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Нарбаева Муяссар Шавкат кизи ТЕХНИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ВЕРХНЕГО СТРОЕНИЯ ПУТИ ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ МАГИСТРАЛЕЙ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 104-106 с.

2. Fayzullaxudjavich E. F. et al. 1.2 NEW USES OF CULVERT IN RAILWAY TRACK //SHINE-AEB GROUP. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 7-10.

3. Begali o'g'li A. E. et al. 1.5 THE INNOVATIVE TECHNOLOGY OF USING DRONES IN MODERN CONSTRUCTION IN THE WORLD //SHINE-AEB GROUP. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 19-22.

4. Begali o'g'li A. E., Muhammadrozi o'g'li U. S., Ulug'bekovich R. I. N. S. 1.1 MEASURES TO STRENGTHEN THE HIGH-SPEED RAIL LINE LAND BASE //SHINE-AEB GROUP. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 3-6.

5. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Аяпбергенова Насиба Бахрам кизи ТЕХНИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ЗЕМЛЯНОГО ПОЛОТНА ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 107-110 с.

6. Muhammadrozi o'g'li U. S. et al. 1.2 DIAGNOSTICS OF THE ROADBED IN THE RAILWAY TRACK IN UZBEKISTAN //International Shine-AEB Scientific Journal. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 7-11.

7. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Холмирзаев Шаврук Абдижаббор угли ОСНОВНЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К КОНСТРУКЦИЯМ БЕССТЫКОВОГО ПУТИ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 111-113 с.

8. Begali o'g'li A. E. et al. 1.8 TOPOGRAPHIC SURVEY USING SATELLITE TECHNOLOGIES IN THE //International Shine-AEB Scientific Journal. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 29-33.

9. Abdualiyev, E. B., & Mirxanova, M. M. (2022). STUDIES OF THE INFLUENCE OF CULVERTS ON THE UPPER STRUCTURE OF THE PATH. Results of National Scientific Research International Journal, 1(9), 479-483.

10. Abdualiev, E. B., Khamidov, M. K., & Eshonov, F. F. (2022). STUDIES OF THE INFLUENCE OF CULVERTS ON THE UPPER STRUCTURE OF THE TRACK ON THE SECTIONS OF HIGH-SPEED AND HIGH-SPEED TRAIN TRAFFIC OF JSC" UZBEKISTON TEMIR YO'LLARI". Results of National Scientific Research International Journal, 1(9), 484-488.

11. Abdualiyev E.B., Eshonov F.F. New uses of culvert Architecture.Construction. Design Taxi, Issue 2, 2020 year 149-152p.

12. Abdualiev E. B., Embergenov A. B. /Case of waterproofing pipes on railways/ skills of the 21st century for professional activity /volume 2/Tashkent 2021/2/15/ 184-185 p.

13. Махамаджанов Шухратжон Шавкат угли Гиёсиддинов Бакиржон Фарохиддин угли ОСОБЕННОСТИ КОНСТРУКЦИИ БЕССТЫКОВОГО ПУТИ НА МОСТАХ Innovative technologies in construction Scientific Journal (ITC) Volume 5| Issue 1 114-117 с.

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

1	<i>Аскарлов Бахтиёр Аскарлович Собирова Мукаддас Хамидуллаева</i>	Оптимизация процесса производства облицовочных плит из отходов горной промышленности с использованием химических добавок	3
2	<i>Abduqadirov Farxod Erkinovich Hasanov Temurbek Maqsudovich</i>	Shahar yo'l o'tkazgichlariga qo'yiladigan asosiy talablar	7
3	<i>Yakubov Inom Daniyarovich Axmedova Ma'rifatxon Odil qizi</i>	Texnologiyaning ilmiy tashkiliy asoslari	11
4	<i>Аскарлов Бахтиёр Аскарлович Собирова Мукаддас Хамидуллаева</i>	Экологические преимущества использования отходов горной промышленности в производстве облицовочных плит	18
5	<i>Бахтиёр Рахмат Худойбергенов Бегзод</i>	Тошкент шаҳри кўчаларида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари турларининг таҳлили	21
6	<i>Ergasheva Gullolaxon Nosirjon qizi</i>	Kreativlik xorijiy psixologiyada ilmiy muammo sifatida	24
7	<i>Ikromova Madina</i>	Mutolaa madaniyati tarixiy qadryat	30
8	<i>Kamilova Nargiza</i>	Iqtisodiy xavfsizlik – taraqqiyot strategiyasining asosiy ko'rsatkichi sifatida	34
9	<i>Maxmayusupov Muzaffar G'ulom o'g'li Rixsixodjayeva Gulchexra Rashidxodjayevna</i>	Sanoat korxonalaridagi aylanma suv ta'minoti tizimlarida hosil bo'layotgan muammolarning tahlili va oldini olish usullari	39
10	<i>Rakhmonova Yulduz Khusanovana</i>	The sun also rises: a literary exploration of hemingway's masterpiece	43
11	<i>Камилова Наргиза</i>	Мамлакатнинг барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг аҳамияти	49
12	<i>Aliboyeva Dilrabo Dilshod qizi Yo'lchibayeva Shaxlo Bekzod qizi</i>	The essence of berdak's works, a manifestation of karakalpak literature	53
13	<i>Obidjonova Durdona Omonjon qizi</i>	Shayxzodani xotirlab	55
14	<i>Азимов Жобир Одирович</i>	Стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларини тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси	59
15	<i>Mamatsoliyeva Lobar Olloyor qizi</i>	Gruntlarning suvli xususiyatlari	66
16	<i>Bekbosinov Jalg'asbay Maqsetbayevich</i>	Qum ostida qolgan qal'a	68
17	<i>Azimov Jurabek Izzatov Bekzod Nazarov Ismoil</i>	Origin of the morphology of typhoid bacteria	73

18	<i>Ibotova Vasila Lazizjon qizi</i>	4-sinf o'quvchilariga maqollar ma'nosini tushuntirish usullari	76
19	<i>Абдураимов Умарали Каримович Хакимова Якутхон Тулагановна Нишанбаев Шавкат Захидович</i>	К вопросу устойчивости откосов земляного полотна с учетом сейсмических воздействий	78
20	<i>Obutjonova Durdona Otonjon qizi</i>	Maqsud shayxzoda ulkan she'riyat sohibi	84
21	<i>Ембергенов Аvezмурат Бекмуратович Суюнов Дилшод Турсунбоевич Расулов Хуришод Кувондиқович</i>	Интеллектуальная конструкция для безбалластного пути высокоскоростных железных дорог	86
22	<i>Salimov Baxriddin Lutfullaevich. Asqaraliev Asilxon Azizjon o'g'li. Murodjonov Asrorjon Ikrom o'g'li</i>	The role of engineering thinking in social life	92
23	<i>Шермухаммедов У.З. Рахматов Ф.Н.</i>	История развития строительства арочных мостов в Узбекистане	96
24	<i>Erbutayeva Ugiloy Suyunovna</i>	Ikkinchi jahon urushi yillarida o'zbekistonda ta'lim masalasi	100
25	<i>Salimov Baxriddin Lutfullaevich. Normuminov Sarvarbek Shovkat o'g'li. Rajabboev Ruslan Muhammad o'g'li</i>	The role of the human factor in technology	103
26	<i>Eshonov Farhod Faizullaxujayevich O'roqov Shuhratjon Baxtiyor o'g'li</i>	Peregonlardagi yo'l rejasi	107
27	<i>Самандаров Валижон Равшанович</i>	Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг жиний-хуқуқий муаммолари	110
28	<i>Makhamajanov Shukhratjon Shavkat ugli Umaraliev Shahjahan Mukhammadrozi ugli Tadjibaev Sherzod Amirkulovich Abdualiev Elyorbek Begali ugli.</i>	The technical condition of the elements of the upper structure of the high-speed highway path	119
29	<i>Ibadullayev Islom Boboxon o'g'li</i>	Tergovga qadar tekshiruv bosqichiga jinoyat-protsessual jihatidan yondashuv hamda nazariy qarashlar	123
30	<i>Makhamajanov Shukhratjon Shavkat ugli Umaraliev Shahjahan Mukhammadrozi ugli Tadjibaev Sherzod Amirkulovich Abdualiev Elyorbek Begali ugli</i>	Technical parameters of the roadbed of high-speed railways	128